Кириб келаётган янги —
«Обод турмуш йили» муборак бўлсин!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA · adolat_gazeta@message.uz · www.adolat.uz · № 53-54 (912) · 2012-yil, 28-dekabr, juma



## Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг намойиши

### 27 декабрь куни пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида барпо этилган кўпқаватли замонавий уйларнинг очилиш маросими бўлиб ўтди

**2013 йил — Обод турмуш йили**

Тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиёт ва санъат намоёндалари, пойтахтимиз маҳаллалари фаоллари, ёшлар иштирок этди.

Маросимда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Раҳмонбек Усмонов, "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Муҳаммаджон Зуфаров, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, дзюдочи Ришод Собиров ва бошқалар мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари самарасида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, хусусан, Тошкент шаҳри бекиёс даражада ўзгариб, янгиланиб бораётганини таъкидладилар. Энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар, муҳташам иншоотлар, турар-жойлар, янги таълим ва шифо масканлари, кенг кўча ва проспектлар, кўприклар, сўлим боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда. Миллий меъморлик анъаналари ва замонавий шаҳарсозликнинг энг юксак талаблари асосида қурилган Мустақиллик майдони, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи, Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонани ўз ичига олган Маърифат маркази, Ҳазрати Имом мажмуаси, Амир Темур хиёбони, "Бунёдкор" спорт мажмуаси сингари кўплаб объектлар мазкур йўналишдаги ишларнинг ёрқин намоёнидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда, жумладан, пойтахтимизда амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари жараёнида инсон манфаатларини таъминлашга устувор эътибор қаратилмоқда. Яъни, аҳолининг яшаши, меҳнат қилиши, дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун барча қулайликлар яратилмоқда. Хусусан, шаҳарда транспорт инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада қулай имкониятлар яратиш мақсадида кўприк ва йўл ўтказгичлар, 6 ва 8 полосали магистраль йўллар қурилди. Илгари шаҳарнинг аксарият мавзе ва майдонлари бетон ва асфальтдан иборат бўлиб, ёзнинг жазирама кунларида нафас олиш қийинлашарди. Кейинги йилларда кўчалар, майдон ва хиёбонларда яшил ҳудудларни кенгайтириш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Каштан, қарағай, арча, эман, қайин каби ҳавони тозаловчи ва кислород билан бойитувчи дарахтлар ҳамда турли буталар ва турфа гуллар экилиши натижасида пойтахтимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Бу ишларнинг самараси сифатида Тошкент дунёдаги экологик жиҳатдан тоза ва кўркам қиёфага эга етакчи пойтахт шаҳарлар қаторидан жой олди.

2012 йилда Буюк Британиянинг нуфузли "Экономист" журнали бўлинмаси — Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда Тошкент дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида қайд этилгани бунинг далилидир. Мазкур рейтинг барқарорлик, соғлиқни сақлаш хизматлари ва маданият муассасаларининг ривожланганлиги, атроф-муҳит сифати, таълим даражаси ва инфратузилмаси, яшил экинзорлар майдони, ҳавонинг сифати, табиий дам олиш масканларига яқинлиги, дунё миқёсидаги маданий мерос объектлари, ҳудудий ва халқаро транспорт алоқаларининг мавжудлиги каби мезон ва кўрсаткичлар асосида тузилган. Ана шу кўрсаткичлар бўйича яшаш учун қулай бўлган дунёнинг 140 шаҳари ўртасида танлов ўтказилган. Тошкент мазкур шаҳарлар орасида 58-ўриндан жой олиб, Вашингтон, Амстердам, Сидней, Берлин, Париж каби йирик шаҳарлар қаторидан муносиб ўрин эгаллади.

Давоми 6-бетда

## Вазифалар аниқ, мақсадлар равшан

27 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция раҳбари Собир Турсунов бошқарган йиғилишда фракциянинг 2012 йилги умумий фаолияти ва жойларда сайловчилар билан учрашувларининг якунлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

— Фракциямиз аъзолари 2012 йилда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида кўзда тутилган қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш дастурида ўз таклифлари билан фаол иштирок этдилар, — дейди фракция раҳбари С. Турсунов. — Хусусан, йил мобайнида Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида", "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида", "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар муҳокамаларига бағишланган 20 дан зиёд йиғилиши ўтказилди. Уларда 29 та қонун лойиҳалари биринчи ўқишда, 16 та қонун лойиҳалари иккинчи ва учинчи ўқишларда кўриб чиқилиб, унда фракция аъзоларининг мазкур қонун лойиҳаларини такомиллаштиришга қаратилган 100 га яқин таклифлари берилди.

Бу қонунларнинг барчаси партиямиз дастурларига ва электоратимиз манфаатларига мос келиши билан аҳамиятлидир.

Йиғилишда таъкидланганидек, фракциянинг ишчи мажлислари мунтазам ўтказилиб, уларда фракция фаолиятини такомиллаштириш, иш механизмини аниқ ташкил этиш, қонунлар лойиҳаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш каби муҳим, долзарб масалаларнинг муҳокамаси тизимли равишда йўлга қўйилди. Аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинишини таъминлаш, иқтисодий ислоҳотларни кучайтириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, ёшлар ва аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш каби муҳим вазифалар ижроси фракция фаолиятида доим устувор йўналиш бўлиб қолди.

Фракция иш фаолиятида ёшлар билан ишлаш, мамлакатда инновацияни ривожлантиришга дастурий вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси томонидан ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда инновацион фикрлашни шакллантириш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масалаларига оид мавзуларда ташкил этган давра суҳбатлари, илмий-амалий семинарлар шулар жумласидандир.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг устувор йўналишларини бажариш мақсадида фракция ташаббуси билан жойларда қатор тадбирлар амалга оширилди.

Давоми 3-бетда

## «Чирчиқ тажрибаси»

### аҳолини сифатли ва қулай хизматлар билан таъминлашга қаратилган

**Сиёсий ўқиш**

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида ташкил этилган сиёсий ўқувда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ва партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг раҳбарлари ҳамда фаоллари иштирок этишди.




Давоми 7-бетда



## Уддабурон, ғайрат-шижоатли

### ёшлар билан ҳамнафас ҳаракат қилиш Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳудудий ташкилотларининг доимий шиорига айланган

**Ёш адолатчилар**

Ўзбекистонда ёшларга бўлган алоҳида эътибор туфайли уларни таълим муассасаларида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялар асосида ўқитиш тизими жорий этилди, интеллектуал салоҳиятини янада ошириш мақсадида кенг миқёсдаги бадиий ва илмий адабиётлар чоп этилмоқда, қолаверса, энди улар узоқ масофадан туриб электрон китобларни мутолаа қила оладилар.

Турли соҳаларда ўз иқтидорини намоён қила олаётган ёшларни муносиб тақдирлаш ва рағбатлантириш мақсадида мамлакатимизда қатор қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилиниши, бу борадаги амалий ишлар ёшларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Давоми 3-бетда

## Турмуш ободлиги — ҳаёт фаровонлиги

**Муносабат**

Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсат юритиш тамойилининг ҳаётга кенг жорий этилиши аҳолининг турмуш даражаси сифатини бир неча баробар ошириш имконини берди. Маълумки, турмуш ободлиги оиланинг моддий барқарорлигига ҳам бевосита боғлиқ. Шу боисдан ҳам оиланинг моддий фаровонлигини ошириш масаласи доимий диққат-эътиборда бўлиб келмоқда.

Ўтган йиллар давомида халқимизнинг соғлом ва муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний ва маънавий соғлом авлодни тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Натижада ўтган йигирма бир йиллик тараққиётимиз мобайнида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этди. Шу давр оралиғида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатлари 5 баробар кўпайди.

Давлат томонидан аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойларни қуриш, коммунал-маиший шароитларни яратишга қаратилган дастур ҳаётга татбиқ этилаётгани ҳам ана шу эзгу чора-тадбирларнинг узвий давомидир. 2011 йилда 7400 оила, 2012 йилда эса 8510 оила шаҳар шароитидан кам бўлмаган ана шундай янги уй-жойларга кўчиб кирди.

Давоми 7-бетда

«Adolat» № 53-54 (912), 2012-yil, 28-dekabr, juma

# Энергия тежамкорлиги ва муқобил энергетика тарғиботи

**Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг «Обод турмуш йили»даги фаолиятининг устувор вазифаларидан бири, дея таъкидланди Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши VII Пленумида**

**Пленум**

Пленумда билдирилган фикр-мулоҳазалар, илгари сурилган таклифлар, энг асосийси — партия олдида турган вазифалар хусусидаги чиқишлар Юртбошимизнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси бирон-бир партия аъзосини бефарқ қолдирмаётганини кўрсатди.



Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" меҳмонхонасида бўлиб ўтган мазкур анжуман кун тартибидаги биринчи масала — мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқиб, мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштиришнинг янги босқичида Ўзбекистон "Адолат" СДП фаолиятини янада такомиллаштиришнинг концептуал масалалари тўғрисида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Исмоил Саифназаров маъруза қилди.

— Айни пайтда илмий, мантиқий ва ҳуқуқий таҳлилларга асосланган, юртимизда кейинги йилларда эришилган натижалар, уларнинг аҳамияти, бугунги шиддаткор давр олдимизга қўяётган долзарб вазифалар теран таҳлил этилган маъруза барча юртдошларимиз томонидан чуқур ўрганилмоқда.

Маърузада мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи кунларидан бошланган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг мантиқий давомидир, деб бежиз баҳоланмади.

Узоқ муддатга мўлжалланган, мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ушбу Концепция Ўзбекистон "Адолат" СДП фаолияти учун ҳам дастуруламал ҳужжат бўлди. Концепция асосида 2010-2012 йиллар учун тегишли дастур ва режаларнинг қабул қилингани бунинг яққол исботидир.

"Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир" номли маърузада 2013 йилга "Обод турмуш йили" деб ном бериш таклифи киритилибгина қолмай, йилнинг устувор вазифалари ҳам белгилаб берилди. Булар Ўзбекистонда тинчлик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлиги, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, халқимиз ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, ўзини ўзи бошқариш тизимини, ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш кабилардир.

Белгилаб берилган ушбу устувор йўналишлар 2013 йилда партия фаолиятида ўз ижросини топиши ва тайёрланаётган Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда партия ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш зарур. Зеро, маърузада таъкидланган вазифаларнинг барчаси "Адолат" СДП ғояларига мос келади.

Партия раиси И.Саифназаров фаоллар зиммасига юклатилаётган вазифаларга тўхталар экан, энг аввало, айрим ҳудудлардаги ташкилотлар ва қуйи бўғинлар фаолиятидаги сусткашликка, кадрлар захирасини яратиш борасидаги камчиликларга барҳам бериш, вилоят кенгашлари фаолиятига масъул бўлган фаолларнинг ўз ишига масъулиятини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига таклифлар киритиш устувор вазифалардан бўлиб қолаётганлигига эътиборни қаратди. Шу билан бирга, 2012 йилда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг мажлисларида белгиланган вазифалар ижроси таъминланмоқда. Қарорларнинг тайёрланиш сифати ошиб бормоқда, уларнинг ижроси ва назоратига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Кадрлар билан ишлаш сиёсатининг такомиллаштирилиши натижасида ўтган йилларга нисбатан ижрочилик интизоми бирмунча мустаҳкамланди, кадрлар қўнимсизлиги барҳам топди.

Ўтган йилга нисбатан партиявий тадбирларнинг таъсирчанлиги ва сифати ўсганлигини қайд этиш зарур. Буни партия аъзолари ва бошланғич партия ташкилотларининг сони жадал ўсаётганлигида кузатиш мумкин.

Агар 2012 йил 1 январь ҳолатига партиямиз аъзолари 83 579 нафарни ташкил этган бўлса, бугун уларнинг сафи 91 442 нафарга етди. БПТлар сони эса 2807 тадан 2997 тага ўсди.

Тарғибот тадбирларининг самараси ўлароқ, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар сони 2011 йилга нисбатан ўсди. Агар 2011 йил декабрь ҳолатига кўра, партия маҳаллий депутатлари сони 444 нафарни ташкил этган бўлса, бугун уларнинг сони 452 нафарга етди. Уларнинг депутатлик сўровлари ҳуқуқидан фойдаланиши, доимий комиссия мажлисларига олиб чиқаётган таклифлари сони нисбатан ортди. Бироқ бу йўналишда ҳали камчиликлар етарли.

Барча ҳудудий партия Кенгашлари раислари иштирокида ўзаро тажриба алмашишга қаратилган сиёсий ўқув ва семинарлар самарали бўлди. Партия дастуридаги муайян ғоялар тарғиботига оид бир вилоятда тўпланган тажрибалар бошқа вилоят кенгашларида жорий этилди.

Партия раҳбари Ўзбекистон "Адолат" СДП "Обод турмуш йили" Давлат дастурини бажаришда ўз иштирокини аниқлаштириш мақсадида 2013 йилда ўзининг устувор вазифаси сифатида "Энергияни тежаш ва муқобил энергетика" масаласини белгилаш тавсия этилаётганига барчанинг эътиборини қаратди. Ушбу масаланинг ижросини таъминлаш учун Ҳаракат дастури лойиҳаси Пленум муҳокамасига киритилди.

Партия дастурида энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши белгилаб олинган.

Ушбу дастурий вазифани ҳал этиш учун қуйидаги механизмлар тавсия этилмоқда:

— Қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш мақсадида энергия истеъмоли масалаларини тартибга солувчи амалдаги қонунчилик ва давлат ҳужжатлари, йўриқномалар, қоида ва низомларнинг мониторингини ўтказиш, "Қайта тикланувчи энергия манбалари ҳақидаги" қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишларни таҳлил қилиш ва бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекэнерго ва яна бошқа шу масалага тааллуқли вазирлик, идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари билан мавзуга оид илмий-амалий анжуман ташкил этиш мақсадида ишчи учрашувларини бошлаш;

— манфаатдор давлат идоралари ва партиянинг ижтимоий ҳамкорлари билан биргаликда уч босқичдан иборат туман (шаҳар) — вилоят, республика миқёсида энергияни истеъмол қилиш қоидаларига риоя қилишда энг яхши натижаларни кўрсатган "Энг тежамкор маҳалла"ни аниқлаш мақсадида танлов ўтказиш;

— инновацион фаолият билан шуғулланиш учун яратилган шароитлар ва рағбатлар юзасидан аҳолини кенг хабардор қилиб бориш;

— Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда "Энергияни тежаш — фаровонлик асосидир", "Келажак авлод учун энергия" ва бошқа долзарб мавзуларга оид тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш;

— ноанъанавий қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш орқали инновацион энергия тежаш тизимларини жорий этиш бўйича Ўзбекистон "Адолат" СДП фаолияти ҳақида брошюралар тайёрлаш ва чоп этиш;

Шунингдек, Пленум ишида Муқобил энергия манбаларини ривожлантириш ва ҳаётга жорий этиш бўйича партиянинг дастурий вазифалари тўғрисида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси, партиянинг Тошкент вилояти Кенгаши раиси Комилжон Шодиметовнинг маърузаси тингланди. Маърузачи Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ўз фаолиятида муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланишни кенг йўлга қўйиш масаласига асосий дастурий вазифаларидан бири сифатида қараётганлигини қайд этди. Шу билан бирга, вилоят партия ташкилотларининг ижобий тажрибалари таҳлил этилди. Жумладан, Самарқанд вилояти партия Кенгаши жорий йил мобайнида вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари, ҚВПлар, болалар дам олиш оромгоҳи, зиёратгоҳ ҳамда бир қатор ташкилот ва корхоналарга қуёш энергияси қурилмаларини ўрнатишга кўмаклашган. Хоразм вилояти партия Кенгаши ҳам туманларда қишлоқ врачлик пунктларининг қуёш энергиясидан фойдаланишига кўмак кўрсатган.

Кун тартибидаги учинчи масала — Ўзбекистон "Адолат" СДП нишонига ўзгартишлар киритиш тўғрисида партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати раҳбари Равшан Ҳайдаровнинг маърузаси тингланди.

Кун тартибига киритилган масалалар юзасидан музокараларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси раҳбари С.Турсунов, фракция аъзолари Т.Абдусатторов, Ф. Омонова, партия фахрийси Т.Даминов, "Адолат" газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи А.Сойибназаров, Олий Мажлис Сенати қўмитаси раиси М.Хўжамбердиев ва бошқалар сўзга чиқдилар. Кўрилган масалалар юзасидан Сиёсий Кенгашнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Пленумда партия Сиёсий Кенгаши аъзолари таркибига янги аъзолар сайланди ва бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Шунингдек, пленумда партия Сиёсий Кенгаши томонидан эълон қилинган "Энг намунали вилоят партия ташкилотлари", "Энг намунали туман (шаҳар) партия ташкилотлари", "Энг намунали бошланғич партия ташкилоти", Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ижтимоий адолат кафолати мавзуида партия ташкилотлари ўртасида ўтказилган кўрик-танлов ғолибларига дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди. "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган энг яхши мақолалар учун танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

**Абдукамол РАҲМОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**фракция аъзоси:**



— Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг самараси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузада ўз ифодасини топди. Унда мамлакатимиз тараққиётида рўй берган улкан ўзгариш ва янгиланишлар, қўлга киритилган ютуқ ва марралар, 2013 йилда аҳолини ҳар томонлама муҳофаза қилиш борасида билдирган фикрлари эртанги кунга бўлган ишончимизни янада ошириши шубҳасиз.

Айниқса, дунёдаги энг нуфузли молиявий ташкилотлар томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг давом этиши ва салбий таъсир ўтказишига қарамасдан, Ўзбекистон саноқли давлатлар қаторида 2013 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотнинг 8,3 фоиздан кам бўлмаслигига эришиши хусусида билдирган ишончи ҳар биримизга фахр-ифтихор туйғуларини бағишлаётган бўлса, халқаро майдонда юртимиз обрўсининг янада юксалишига ҳам хизмат қилаяпти. Кейинги уч йилда аҳолининг реал даромадлари уч баробар ошгани, давлат дастури ижроси учун 2 триллион сўмдан ортиқ ва 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ халқ фаровонлигини янада юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қулай шароитлар яратишга йўналтирилгани ижтимоий ҳимоя масаласи давлатимизнинг доимий диққат марказида эканлигининг исботидир.

Бу эса ўзбек моделининг асосий тамойиллари — иқтисоднинг сиёсатдан холи экани, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислоҳотларни тадрижий асосда босқичма-босқич амалга ошириш принципларини ўз ичига олган, Президентимиз маърузасида фахр билан "машҳур" деб атаган ўзбек модели дунё тараққиётида муҳим воқеага айланиб бораётганини исботлаб турибди.

Кириб келаётган 2013 йил "Обод турмуш йили" деб эълон қилинар экан, ўз навбатида қабул қилинадиган Давлат дастурида халқ саломатлигини ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш каби долзарб масалалар ўрин олиши кераклиги таъкидланди. Демак, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси дастурий ғояларига ҳамоҳанг вазифалар тарғиботида партиямизнинг барча даражадаги тузилмалари фаол қатнашишлари керак.

**Зуҳра БОТИРОВА,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП "Аёллар қаноти" Кенгаши раиси, фракция аъзоси:**



— Ҳаётимизнинг қай бир соҳасига қараманг унда, албатта, аёлларнинг ўзига хос ўрни борлигини кўриш мумкин. Бугунги аёллар тадбиркор, ишбилармон, ажойиб раҳбар. Барча жабҳада фаол ва ташаббускор. Айниқса, миллатимиз эртаси бўлмиш ёш авлод тарбияси она, аёл қўлида эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, уларнинг жамиятдаги мавқе ва нуфузи нечоғли юксак эканлиги аён бўлади. Шу маънода, Юртбошимиз маърузасида аёлнинг жамиятдаги ўрни ва ролини янада оширишга қаратилган фикрлар бежиз таъкидланмади.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш жараёнларида Ўзбекистон "Адолат" СДП Аёллар қаноти Кенгаши фаолияти алоҳида эътиборга лойиқ.

2012 йил давомида Аёллар қаноти Кенгаши фаолларини ўқитиш ва уларнинг партия фаолиятида иштирокини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу мақсадда қатор амалий ишлар ташкил этилди.

Хусусан, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси қарори билан "Ўзбекистон "Адолат" СДП "Аёллар қаноти"нинг "Фаол аёллар — партиянинг таянчи ва мададкори" мавзуидаги семинари ҳамда "Оқила аёл — мустаҳкам оила яратувчиси" кўрик-танловининг ўтказилиши партиямиз аёлларининг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини бойитишга хизмат қилди, десам янглишмаган бўламан. Зеро, бу тадбирларда икки мингдан ортиқ фаол хотин-қизлар иштирок этди.

"Оқила аёл — мустаҳкам оила яратувчиси" кўрик-танловининг туман, шаҳар ва вилоят даражасида ўтказилган тадбирларида турли ёшдаги, турли касб ва ҳаётий тажрибага эга 600 нафардан ортиқ хотин-қизлар иштирок этди. Танлов ҳақида маҳаллий матбуот саҳифаларида, телевидение, "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси ва партиянинг веб-сайтида мунтазам ёритилди, юзга яқин фаол ва ташаббускор партия аёллари рағбатлантирилди, ғолиблар аниқланди.

Ўтказилган кўрик-танлов партия томонидан ўз касбининг иқтидорли мутахассиси ҳисобланмиш фидойи фаол хотин-қизларни аниқлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда муҳим қадам бўлди.

2012 йил давомида Сирдарё, Бухоро, Жиззах, Хоразм, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ҳамда Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳамкорлигида "Мустаҳкам оила йилида хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, инновацион лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш" мавзуида ҳудудий семинарларнинг ташкил этилиши ҳам партия нуфузини оширишга хизмат қилди.

**Аъзам ИБОДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
**Сирдарё вилояти Кенгаши раиси:**



— Сўнгги йилларда олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида партия сафларида ҳар томонлама етук, обрўли ва фидойи аъзолар сони ортди, бу, ўз навбатида, "Адолат" СДП мавқеини юксалтиришга хизмат қилди. Шу билан бирга, маънавий-маърифий, тарғибот йўналишидаги тадбирларимиз ҳам сифат ва салмоқ жиҳатидан ўсди. Бироқ бундан тўла қониқиш ҳосил қилиш, фаолиятни сусайтириш асло мумкин эмас. Чунки ҳали партиявий фаолиятни талаб даражасига олиб чиқиш мақсадида амалга оширадиган юмушларимиз кўп. Айниқса, партиянинг таянч кучи ҳисобланган бошланғич ташкилотлар ишини жонлантириш лозим. Шу маънода, туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотларда ўтказиладиган конференциялар ҳамда ҳисобот-сайлов йиғилишларида ўтган даврдаги фаолиятни чуқур таҳлил этиш, сарҳисоб қилиш, бу масалага танқидий руҳда ёндашиш, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Бугун фаолиятни сарҳисоб қиладиган фурсат етиб келди. Пленумда кўтарилган ҳар бир масаладан тўғри хулоса чиқариш, уларни қуйи тузилмаларга етказиш келгуси ютуқларимиз гаровидир.

**Нурмат ЭШМЕТОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
**Хоразм вилояти Кенгаши раиси:**



— Пленумда таъкидланганидек, "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"даги вазифалар партия фаолиятининг самарадорлиги ва ташаббусини оширишга хизмат қилади. Давлатимиз раҳбарининг "Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир" номли маърузасининг партия ташкилотлари, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг барча даражадаги депутатлари ҳамда партия фаоллари моҳиятини янада теран англашлари партия олдида турган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда, адолатли фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашда иштирокини фаоллаштиришга янада кенгроқ имкон беради. Партия раҳбар органлари фаолиятининг масъулиятини оширади. Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда партия ишини янада жонлантиришимиз лозим. Қолаверса, 2013 йилда партия ўзининг устувор вазифаси сифатида "Энергияни тежаш ва муқобил энергетика" масаласини белгилаши барчамизга масъулият юклайди.



**Фарҳод ЭСОНОВ,**
**Носир ҲАЙДАРОВ (фото)**
«Adolat» мухбирлари

# Вазифалар аниқ, мақсадлар равшан

Давоми. Боши 1-бетда

Жумладан, вилоятларда Давлат дастури ижросини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ жалб этишга кўмаклашиш, уларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида "Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, инновацион лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашиш" лойиҳаси доирасида амалий семинарлар ўтказилди. Анжуманлар доирасида тижорат банклари томонидан инновацион лойиҳа ташаббускорларига имтиёзли фоизда кредитлар ажратиш бўйича сертификатлар топширди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламентига мувофиқ Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари ишлаб чиқилган дастур асосида ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказдилар.

Фракция аъзоси Қодир Жўраев масала юзасидан маъруза қилар экан, депутатлар учрашувларни пухта ишлаб чиқилган иш режа асосида амалга оширганлигини ва учрашувлар жонли, таъсирчан ва самарали бўлганлигини таъкидлади.

— Учрашувлар давомида жамиятнинг барқарор тараққиёти ва модернизацияси шароитида юқори малакали кадрларни тайёрлашнинг ҳолати ва истиқболлари, таълим муассасаларини замонавий ўқув жиҳозлари ва компьютер технологиялари билан таъминлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалалари кенг ўрганилди, — деди Қ.Жўраев.

Тадбирлар давомида "Обод турмуш йили" муносабати билан қабул қилинадиган Давлат дастурида халқ саломатлигини ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш каби долзарб масалалар ўрин олиши белгилангани сайловчиларга тушунтирилган. Айни пайтда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ёш оилалар фаровонлигини ошириш, қишлоқ жойларида муқобил энергия манбаларига (қуёш, шамол, биогаз) асосланган ҳамда фуқароларнинг турмуш шароитини янада яхшилашга қаратилган инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ҳаётга татбиқ қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда ушбу жараёнда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг иштироки тўғрисида ахборот берилди.

Йиғилишда депутатлар сайлов округларида сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувлар натижаларини кенг муҳокама қилиб, мутасадди вазирлик ва идоралар вакилларига қатор тавсиялар берилганини таъкидладилар. Хусусан, Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказига таълим муассасаларида мавжуд бўлган компьютерлар, замонавий ахборот-технологиялари ва касб-ҳунар коллежларида тегишли ихтисосликка оид ўқув-техник жиҳозлардан самарали фойдаланиш, уларнинг мақсадсиз ишлатилишининг олдини олишга қаратилган чораларни кўриш, барча таълим муассасаларида таълим соҳасига оид миллий веб-саҳифалар (edu.uz, kitob.uz; ziyonet.uz ва бошқ.) ҳамда мультимедиа технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилиш, веб-саҳифалар ва электрон почталардан фойдаланишда ахборот хавфсизлигига риоя қилиш тавсиялари шулар жумласидандир.

Шунингдек, фракция аъзолари таълим тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва мультимедиа ўқув дастурларини кенг жорий қилишнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилишга бағишланган парламент эшитувини ташкил қилиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикр билдиришди.

Сўзга чиққан депутатлар юқори малакали мутахассис ва ишчилар, илм-фан ва муҳандис-техник зиёлилар вакиллари, педагоглар, шифокорлар, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий адолатдан манфаатдор бўлган қатламга таянадиган куч сифатида сиёсий майдонга чиққан "Адолат" СДП фракцияси аъзолари улар эркинликлари ва ҳуқуқларини яхшилашга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, тайёрланаётган қонун лойиҳаларида электорат манфаатларини янада масъулиятлироқ ҳимоялаш юзасидан аниқ ва реал таклиф ҳамда ташаббусларни илгари суриш лозимлигини таъкидлашди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг 2013 йилдаги асосий иш фаолияти йўналишлари режаси лойиҳаси ҳам муҳокама этилиб, кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири

**Тадбир**

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ташкил этилган «Маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, белгиланган чора-тадбирлар» мавзусида матбуот анжуманида маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш, касаначилик, ҳунармандчиликни ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш орқали аҳоли ижтимоий ҳимояси ва турмуш фаровонлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

# Маҳалла — оилавий бизнес маркази

Маҳаллаларнинг оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги ҳиссаси катта. Айни пайтда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ўн мингга яқин фуқаролар йиғинларининг амалий кўмаги орқали оилавий бизнеснинг турлари йўлга қўйилмоқда.

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳамда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш борасида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тузилмалари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 9 мингдан ортиқ тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди. Натижада фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалар ҳамда фуқаролар йиғинлари томонидан кредит олиш истагида бўлган 4400 нафарга яқин фуқароларга банклардан кредит олишда, маҳаллалар ҳудудида 47 мингдан зиёд янги иш ўринларни яратишда кўмаклашилди.

Жиззах вилоятида оилавий тадбиркорлик ҳамда касаначиликни ривожлантириш орқали 10248 та, Фарғона вилоятида 25599 та, Наманган вилоятида 16587 та янги иш ўринлари очилди. Шу билан бирга, фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида 8850 нафарга яқин ёшларни ишга жойлаштиришга кўмаклашилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида асосий эътибор кам таъминланган оилалар аҳволини ўнглаш учун қорамол ҳамда парранда ажратиш, чорвачалик ва паррандачиик билан шуғулланишлари учун шароит яратиб беришга қаратилди.



**Олия ТЎХТАЕВА,**
**«Adolat» мухбири**

**Дастур доирасида**

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш Ўзбекистон «Адолат» СДП дастуридаги асосий вазифалардан биридир. Ҳудудий партия ташкилотлари томонидан мунтазам равишда ўтказиб келинаётган саломатлик акциялари, давра суҳбатлари ва хайрия тадбирлари ушбу дастурий вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда электорат манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

# Аҳоли саломатлиги доимий эътиборда



Балиқчи туманининг Чинобод қишлоғи шифохонасидаги бошланғич партия ташкилоти томонидан ўтказилган «Соғлом оила — соғлом жамият» мавзусидаги давра суҳбати қишлоқ аҳолисида катта қизиқиш уйғотди. Мазкур шифо масканидаги партиядошларимиз томонидан аёллар ва болалар саломатлигига республикамизда алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу борада қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида давра суҳбати қатнашчиларига тушунча берилди.

— Туман партия кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган бундай тадбирлардан кўзланган мақсад, энг аввало, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришга қаратилгандир, — дейди партия фаоли Л.Абдураҳмонова. — Қишлоқ аёллари орасида ўз саломатлигига эътиборсизлик билан қарайдиганлари ҳам учраб туради. Шу боис қишлоқда тиббий маданиятни юксалтириш энг муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Тадбирда таъкидланганидек, аҳоли орасида тарғибот ишларини янада кучайтириш, айниқса, аёллар ва ёшлар билан юзма-юз мулоқотларни йўлга қўйиш дастурий мақсадларимиз ижросида муҳим омил бўлади.

— Ушбу тиббиёт муассасасидаги бошланғич ташкилотимиз фаолияти диққатга сазовордир, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Балиқчи тумани кенгаши раиси Н.Шералиев. — Бугун БПТ аъзолари фуқаролар орасига кириб бориб, партиямизнинг энг фаол тарғиботчиларига айланишди. Уларнинг олиб бораётган ишларини кўриб сафимизга яна кўплаб тиббиёт ходимлари келиб қўшилмоқда. Энг муҳими, аҳолининг партиямиз ғояларига ишончи ортиб, хайрихоҳларимиз сафи ҳам кенгайиб бормоқда.

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
Андижон вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

# Уддабурон, ғайрат-шижоатли

## ёшлар билан ҳамнафас ҳаракат қилиш Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳудудий ташкилотларининг доимий шиорига айланган

Давоми. Боши 1-бетда

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Дастурида ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосланган мамлакатимиз таълим тизимининг энг яхши анъаналарини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш устувор вазифалардан эканлиги қайд қилинган.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг «Ёш адолатчилар» қаноти жорий йил бошидан партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат Дастури ҳамда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ҳамда ёшларнинг сиёсий билимини ошириш, уларни партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти билан таништиришга оид тадбирларни ўтказиш вазифалари белгилаб олган эди. Партия аъзоларининг 44,2 фоизини ташкил қилаётган ёшлар ташаббуси билан жорий йил давомида 500 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилди. Бу борада, айниқса, Тошкент вилояти, Хоразм ва Андижон вилояти партия ёшлари томонидан партия позициясини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар ибратли бўлди. Хусусан, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими ва фаоллигини оширишга қаратилган тизимли ўқув ишларини ташкил этиш, партия нуқтаи назаридан келиб чиқиб мамлакатда ва дунёда содир бўлаётган янгиликларга бўлган муносабатини шакллантиришга эришиш, жамоатчилик ишларида ташаббускорлик кўрсата олиш қобилиятига эга ёшларни кашф этиш ҳамда инновацион фикрлайдиган ёшларни тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлар уларнинг партияга бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилди. Энг муҳими, бу каби тадбирлар интерактив мулоқот ва юксак технологик воситалар (фотожамланмали слайдлар, видеотасвир ва қизиқарли тестлар) ёрдамида олиб борилди.

Бугунги кунда ёшларнинг куч-ғайрати, шижоати, замон билан ҳамнафас ҳаракат қилиш хусусиятларидан самарали фойдаланиш «Адолат» СДПнинг ҳудудий ташкилотларининг доимий шиорига айланган, десак муболаға бўлмайди. Галдаги вазифа — уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимини янада ошириш ҳамда келажакда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказиладиган сайловларда иштирок эта оладиган билимли ва муносиб ёш номзодларни саралаш, ҳамда жойларда партия позициясини тарғиб қилишда ёшларнинг салоҳиятидан фойдаланиш.

Шу маънода, ҳар йили ўтказилаётган анъанавий инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасида ёш олимлар иштирокининг ортиб бораётгани ҳам эътиборга моликдир.



**Феруза ОМОНОВА,**
фракция аъзоси,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
«Ёш адолатчилар» қаноти
Кенгаши раиси

Шундай ёш олимлардан бири Тошкент Кимё-технологиялар институти талабаси, «Адолат» СДПнинг «Энг яхши ижтимоий бизнес ғоя» кўрик-танлови ғолиби Шавкат Азимов илгари сураётган «Сув ўтларини ўстиришга ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш лаборатория марказини ташкиллаштириш» мавзусидаги инновацион ғояси сув ўтларидан биологик фаол моддалар олиш ва улардан саноатда фойдаланишда қўл келади. Қолаверса, мамлакатимизда ноанъанавий усулда озиқ-овқат саноати учун оқсил, витамин ва ферментга бой қўшимчалар, антиоксидант препаратлар, фармацевтик дори воситалари учун манбалар тайёрлашда ўта муҳим ва таннархи арзон, экологик тоза, рақобатбардош технологик линияни шакллантиришга кўмаклашади. «Ёш адолатчилар» томонидан бундай тадбирларнинг тез-тез ташкил этилиши изланувчан, ташаббускор ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.



Албатта, ҳали «Ёш адолатчилар» қаноти томонидан бажарилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Айниқса, ёшлар билан ишлашда ижтимоий шериклик тамойили қўл келади. Хусусан, «Камолот» ЁИҲ, «ITM» Инновацион технологиялар маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси сингари жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ёшлар — келажак эгалари. Ёш новдани тўғри парваришлаш боғбоннинг салоҳиятига боғлиқ бўлганидек, ёшларни тўғри йўлга бошлаш, уларда Ватанга бўлган меҳр ва садоқатни шакллантириш, юрт истиқболи учун бор кучини аямай хизмат қилиши учун йўналтира олиш фақатгина ҳаётий тажрибага, ўзининг мустаҳкам позициясига эга инсонлар, жамоат ташкилотлари зиммасидаги муҳим вазифадир.

# Мурувват ҳам фаолият

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти томонидан саратон касаллигига, хусусан, ўткир лейкозга чалинган, Гематология институтининг болалар бўлимида даволанаётган кичкинтой болалар учун Янги йил байрам тадбири ўтказилди.



Партия фаоллари, талаба-ёшлар, ушбу тиббий муассасаси жамоаси вакиллари, кўнгли эзгуликка йўғрилган саховатпеша инсонлар, актёрлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда тенгдошлари қатори бахтли болаликнинг беғубор дамларини орзу қилиб яшаётган мурғак қалб соҳибларининг ўксик дилларига шодлик улашилди.

Айтиш жоизки, бемор ётган инсоннинг ҳолидан хабар олиш, кўнгли ўксик инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизнинг асрий қадриятларидан саналади. Мазкур тадбир ҳам моҳиятан ўзида ана шу эзгу фазилатларни мужассамлаштириб, унда савоб ишларга бош қўшган тадбиркорларимиз, ғамхўр юртдошларимиз бемор болаларга ҳам моддий, ҳам маънавий мадад бериб, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишларига, ҳаётда керакли инсон эканликларини ҳис этиб яшашларига ҳисса қўшдилар. Энг муҳими, бемор болаларда соғайиб кетишларига ишонч ва умид уйғотиб, уларга беғубор боликнинг бахтли онларини ҳадя этдилар.

Тадбирда Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши, шунингдек, ҳомийлар ва саховатпеша инсонларнинг болажонларга аталган байрам совғалари тақдим этилди. Ёш томошабинлар театри актёрлари ва санъат усталарининг чиқишлари йиғилганларга олам-олам қувонч бағишлади.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот хизмати

# *Концепция:* тараққиётга элтувчи дастурий ҳужжат

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, демократлаштириш ва модернизация жараёнлари нафақат республикамиз аҳолиси, балки бутун жаҳон ҳамжамиятининг доимий диққат-эътиборида, десак янглишмаган бўламиз.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллик ривожланиш йўлига назар ташлайдиган бўлсак, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг барпо этилиши тадрижий асосларга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиб, янги тараққиёт йўлига қадам қўйганидан сўнг, тизимлилик ва тадрижийлик асосида собиқ тузумдан оғир мерос бўлиб қолган маъмурий-буйруқбозлик тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг ўрнида моҳият-эътибори билан бутунлай янги — ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш йўлидан борди.

Эндиги вазифа — демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиб, ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш ҳисобланади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида илгари сурилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари жамиятимизда ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб бериши билан бир қаторда, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида рўёбга чиқарилаётган «ўзбек модели»нинг имкониятларини сафарбар қилиш ва изчиллигини таъминлаш, энг муҳими, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлини янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Кейинги кунларда қабул қилинган бир қатор қонунлар шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Қуйида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги бир қатор депутатларимиз фикрлари ушбу қонунлар ҳақида бўлди.



**Ойша ОХУНОВА,**
Ўзбекистон
"Адолат" СДП фракцияси
аъзоси

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича қандай қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимлиги, уларнинг моҳияти, мақсади аниқ ифодалаб берилган. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга қаратилган вазифаларни самарали ҳал қилишдаги дастлабки ташкилий-ҳуқуқий чора сифатида **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририни** қабул қилиш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган. Зеро, шу орқали давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутадиган қонунларни ишлаб чиқиш, уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида самарали амалга оширилишини таъминлашга эришиш мумкин бўлади.

Умуман, ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани ва мураккаблашгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганига ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлишини тақозо этаётгани ушбу Қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш заруратини келтириб чиқарди.

Янги таҳрирда қабул қилинган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг асосий вазифалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчасини, турларини, ўзаро нисбатини аниқлашдан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш тартибига ва уларнинг мазмунига қўйилган асосий талабларни белгилашдан, шунингдек, уларнинг ижроси ташкил этилишини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлар, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади ва улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил этади.

Қонунда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўз ваколати доирасида буйруқлар ҳамда қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши, шунингдек, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқий ворислик тартибининг назарда тутилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилувчи органларнинг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ёки қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича жорий ва истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш мумкинлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш тартиби, бунда қонун ҳужжатларининг ҳолатини, қўлланиш амалиётини, жамоатчилик фикрини ва халқаро тажрибани ўрганиш лозимлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг экспертизаси ва ҳуқуқий экспертизаси, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини уни қабул қилувчи органга киритиш тартибларига оид нормаларнинг мустаҳкамлаб қўйилганлигидир.

Янги таҳрирдаги Қонун олдинги таҳрирдаги Қонундан ҳажм жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам анча фарқ қилади. Қонун қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини, уларнинг лойиҳаларини тайёрлашда қатнашадиган органларнинг масъулиятини оширишга, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ижро этилишини самарали ташкил этишга ёрдам беради.

Шунингдек, Қонунда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга жорий этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилиши кераклиги назарда тутилганлиги мансабдор шахсларнинг бу борадаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Қонунда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг электрон шаклларини уларнинг расмий веб-саҳифаларида эълон қилиниши шартлиги тўғрисидаги янги норма киритилганлиги аҳолининг қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардорлигини оширишда ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Қонуннинг эътиборли жиҳатларидан яна бири шундаки, унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириш муддатини аниқлашда юзага келадиган тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши белгилаб қўйилган.

Янги таҳрирдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонун қонун ижодкорлиги жараёнини янада такомиллаштириш, халқаро ва миллий қонун ижодкорлиги фаолияти тажрибасини ҳисобга олган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг самарали механизмларини яратиш ва ушбу ҳужжатлар сифатини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан сайланган депутатлар қабул қилинган қонундаги қоидаларнинг изчил амалга оширилишини ёқлайдилар. Улар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ташкил этувчи ва таъминловчи органларнинг ваколатлари ушбу қонунда алоҳида боб билан мустаҳкамлаб қўйилганлиги бошқарувда ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини, қонун устуворлигини таъминлашга, ижтимоий адолат принципларини янада тўлароқ амалга ошириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади.



**Қодир ЖЎРАЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Мудофаа ва
хавфсизлик масалалари
қўмитаси раиси,
"Адолат" СДП фракцияси
аъзоси

**"Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонун** тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб беради. Қонуннинг асосий мақсади тезкор-қидирув йўналишидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишдан иборат. Жаҳоннинг энг ривожланган демократик мамлакатларида тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқ процессуал механизмлар аниқ белгиланган бўлиб, мазкур қонуннинг қабул қилиниши ушбу давлатларда шаклланган амалиётга тамомила мос келади.

Президентимиз томонидан имзоланган ушбу қонун тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқ тадбирларининг мазмунини, асосий йўналишларини белгилайди; умуминсоний қадриятлардан келиб чиққан ҳолда, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, шунингдек, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ҳуқуқий кафолатлари тизимини мустаҳкамлайди; жиноятлар содир этилишининг дастлабки босқичларидаёқ уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш бўйича чораларнинг самарадорлигини, шунингдек, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Айни пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу соҳадаги фаолияти янада либераллашувини таъминлашга олиб келади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг алоҳида тури сифатида тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш механизмлари бир қатор қонун ҳужжатларида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Прокуратура тўғрисида"ги, "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги қонунлар, Жиноят-процессуал Кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида акс эттирилган бўлса-да, ушбу фаолият шу пайтга қадар алоҳида тизим шаклида, яхлит қонун орқали тартибга солинмаган.

Шу нуқтаи назардан, алоҳида ягона қонунда тезкор-қидирув фаолиятининг принциплари ва шаклларининг ҳамда уни амалга оширишда қонунийликни таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларининг мустаҳкамланиши, ушбу фаолиятнинг турли йўналишларини тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган нормаларни тизимлаштириш имконини яратади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга яқиндан ёрдам беради.

Мазкур Қонун демократик давлатлардаги тажрибага тўла мос келади ва тезкор-қидирув характеридаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя этилишининг аниқ ҳуқуқий кафолатларини яратиш имконини беради.

Тезкор-қидирув фаолияти инсон ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ-эркинликлари, қонуний манфаатларини, давлат ва жамият хавфсизлигини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, жиноятларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, уларга чек қўйиш ва фош этиш, жиноятларга тайёргарлик кўриш ва содир этилишига алоқадор бўлган шахсларни топиш ва аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда қонунийликка риоя этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларини яратишга хизмат қилади. Ушбу қонун мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янада либераллаштиришга кенг шароит яратади; суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ўз вақтида аниқлаш чораларининг самарадорлигини янада юксалтириш имконини беради. Бу эса пировард натижада жамиятимизда тинч ва осуда ҳаёт, барқарор тараққиёт узвийлигини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурида белгиланганидек, адолатлилик ғояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш партиядан сайланган депутатлар қонунчилик фаолиятининг асосий ва бош йўналишидир. Шу маънода фракция аъзолари ўз таклифларини билдирган ҳолда қонунни тайёрлаш жараёнида ва унинг муҳокамасида фаол иштирок этишди.



**Камола ҲАМИДОВА,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
фракцияси аъзоси

**"Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун**да еттита йўналишдаги концептуал янгиликлар белгиланган. Энг аввало, сайловолди ташвиқоти жараёнининг моҳиятини очиб бериш ва унинг бир хилда тушунилишини таъминлаш мақсадида унга ҳуқуқий тушунча берилди, *иккинчидан*, сайлов бошланишидан бир кун олдин (хориж тажрибасида "сукунат куни" деб ҳам юритилади) ва сайлов куни сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги, *учинчидан*, сайловолди ташвиқоти самарадорлигини ошириш мақсадида ташвиқотни олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари ҳамда унинг механизмлари, бунда давлат ва нодавлат ОАВларидан фойдаланиш тартиб-тамойиллари белгиланган, *тўртинчидан,* ҳар иккала қонунга "овоз бериш кунига қадар қолган уч кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмаслиги, *бешинчидан,* қонун лойиҳасида муддатдан олдин овоз беришнинг муддатлари, тартиблари белгиланди, *олтинчидан*, кузатувчиларга Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича Конференциясида қатнашиш ҳуқуқининг берилиши, *еттинчидан*, жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш жойларида ҳам сайлов участкаларини ташкил этиш имконияти назарда тутилган.

**...2010 йил ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи кунларидан бошланган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг мантиқий ва қонуний давомидир, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.**

Ушбу Қонун Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"нинг "Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш" деб номланган тўртинчи йўналишидан келиб чиқиб тайёрланди.

Навбатдаги сайловлар яқинлашаётгани ҳамда Конституцияга 2011 йил киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, хусусан, унинг 98-моддасига киритилган норма талабига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилишини назарда тутсак, сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат кескин бўлиши кутилаётгани, шу билан бирга, масъулият жуда юқори эканлигини айтиш жоиздир. Зеро, бунда сиёсий партиялар олдида нафақат ўз электорати орзу-умидлари, истаклари, ҳуқуқлари учун, балки мамлакатнинг келгуси ривожи, юксалиши учун янги ғоялар кураши кутилмоқда. Ушбу Қонун эса, янги тамойилларга, талабларга асосланган, энг муҳими демократик ривожланиш йўлидаги қадамлардан яна бири бўлиб қолиши шубҳасиз. Мазкур Қонун мамлакатимизда қонун устуворлигига, фуқароларнинг коституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга оширишига хизмат қилиши билан партиямиз дастурий ғояларига мос келади, деб ўйлайман.



**Алишер АКРОМОВ,**
Ўзбекистон
"Адолат" СДП фракцияси
аъзоси

Юртимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, 2011-2012 йиллар давомида 145та рухсат бериш тартиб-таомиллари бекор қилинди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартибларини белгилашга оид қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилган. Куни-кеча кучга кирган мазкур Қонун тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ролини оширишга хизмат қилади.

Таъкидлаш керакки, рухсат бериш тартиб-таомилларини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштиришга катта зарурат бор эди. Хусусан, ваколатли органлар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келадиган рухсат бериш тартиб-таомиллари билан боғлиқ муносабатлар устидан назорат қилиш бўйича аниқ механизмлар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат беришни рад этишга, шунингдек, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатишга, ушбу ҳужжатни бекор қилишга нисбатан ягона талаблар қонун ҳужжатларида мавжуд эмасди. Шу маънода **"Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонун** муҳим аҳамиятга эга.

29 моддадан иборат ушбу Қонун рухсат этиш тизимининг ягона норматив-ҳуқуқий базасини яратиш, ваколатли давлат органларида рухсат бериш тартиб-таомилларини ўташ тартиби ва шартларини бирхиллаштириш, бу борада ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқарув ҳаракатларининг тўлиқ шаффофлигини таъминлаш, қонунда назарда тутилмаган рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг янги турларини жорий қилишга тақиқ ўрнатиш, мансабни суиистеъмол қилиш имкониятларини қисқартиш каби мақсадларга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Мазкур Қонун нормалари, шубҳасиз, тадбиркорликни янада ривожлантириш ва тадбиркорларнинг фаолияти учун кенгроқ эркинлик беришда қўшимча ҳуқуқий рағбатлар яратади. Қонунда назарда тутилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг "бир дарча" орқали берилиши принципи мустаҳкамлаб қўйилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хорижий тажрибанинг кўрсатишича, "бир дарча" принципининг жорий қилиниши тадбиркорлик субъектларига турли рухсатномаларни бериш жараёнини бошқаришда энг қулай йўллардан бири ҳисобланади.

Қонунда "бир дарча" принципининг моҳияти очиб берилган. Унга кўра, ваколатли орган тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериши учун бошқа ваколатли органлар томонидан бериладиган ана шундай ҳужжатларни олиши талаб қилинган ҳолларда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш соддалаштирилган тартибда "бир дарча" орқали амалга оширилади, бунда ваколатли орган мазкур ҳужжатларни тадбиркорлик субъектининг иштирокисиз мустақил равишда олади.

Таъкидлаш жоизки, Қонунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органларнинг ваколатлари батафсил ёритиб берилган.

Қонунда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат беришни рад этиш учун аниқ асослар кўрсатиб ўтилган. Унга мувофиқ, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат беришни бошқа асосларга кўра, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмас, деган важлар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

Хулоса ўрнида айтганда, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонун мамлакатимизда демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, улар фаолиятига ғов бўлаётган тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади.

Партиямиз аъзолари ҳам дастурий ғояларимизга мос ушбу Қонунни тайёрлаш жараёнида ўз таклифлари билан фаол иштирок этдилар. Бинобарин, Ўзбекистон "Адолат" СДП ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг турмуш сифати ва даражасини оширишга, аҳоли даромадини изчиллик билан кўпайтиришга йўналтирилган давлат сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

# Аёл қалбидаги ободлик



## Йил адоғидаги ўйлар

**Халқимиз тарихи шундан далолат берадики, қадим замонлардан бери Шарқ аёлларга муносабат масаласида дунёга ибрат намунаси бўлиб келган. Буюк аллома аждодларимиз ўз асарларида аёл зотини улуғламоққа, уларга ҳар жиҳатдан ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга даъват қилганлар. Халқ оғзаки ижодида, ёзма бадиий асарларда, тасвирий ва амалий санъат намуналарида бу эҳтиромнинг юксак ифодаларини кўришимиз мумкин.**

Аёл мавзуси, хусусан, оналарни эъзозлаш, улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби буюк қалам соҳиблари ижодида ҳамиша етакчилик қилган. Шарқлик аёллар ғарбликларга нисбатан анча аввал ўз ҳақ-ҳуқуқларига эга бўлишган, давлатни бошқаришда фаол иштирок этишган, босқинчиларга қарши курашларда мислсиз жасорат намуналарини кўрсатишган. Шу боис аёлини улуғлаган, ҳурматини жойига қўйган юрт ҳеч қачон завол кўрмаган. Аёлнинг буюк иродаси, сабр-бардоши, зукко ақл-идроки билан жуда кўп муаммолар адолатли ҳал этилган. Бугунги кунда ҳам ҳар бир жамиятнинг маънавий қиёфасини, келажакдаги мақсад-муддаосини унинг аёлларга, оилага, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига муносабатида кўриш мумкин.

Аёлларнинг тенг ҳуқуқи масаласи ғоят мураккаб тарихга эга. Инсоният тамаддунида муҳим аҳамиятга эга бўлган бу ҳаракат Ғарбда ўн тўққизинчи асрнинг бошларида юзага келиб, унга француз назариётчиси Шарл Фурье асос солган. Фурье жамиятда аёллар ҳақ-ҳуқуқининг таъминланиши ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилларидан бири, деб ҳисоблаган.

Аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқи расман эътироф этилган қонунлар Австрия, Германия, Польша ва Швецияда 1920 йили, Буюк Британияда 1929 йили, Испанияда 1931 йили, Португалияда 1932 йили, Франция ва Италияда 1945 йили, Грецияда эса 1951 йили қабул қилинган. АҚШ бўлса, бу масалада анча кеч қолган.

Ғарб мамлакатларида оила биздагидек юксак мартабага эга эмас. Дунёнинг турфа мамлакатларида оила ва никоҳ масалаларига турлича ёндашувлар мавжуд. Жамиятнинг бу кичик ячейкасига инсон ҳаётининг мутлақо шахсий, фақат икки кишигагина тегишли бўлган иттифоқ сифатида қаралади. Шунга кўра никоҳ бир неча хил кўринишда тузилиши мумкин. Бунда томонларнинг бўлажак ота-она сифатидаги масъулияти эмас, ҳуқуқ ва мулк муносабатларининг шартномавий ифодаси бирламчи аҳамият касб этади ва бунга деярли ҳеч ким ажабланмайди. Бугун ўта ривожланган, иқтисоди бақувват, номдор мамлакатларда ҳам маънавий-ахлоқий таназзул нишоналари тез-тез кўрина бошлаганининг сабаби ҳам шунда десак, муболаға бўлмайди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш борасида кўп ишлар қилинди. Мамлакатимиз Конституциясида жамият ҳаётининг муҳим бўғинлари ҳисобланмиш оила ва маҳалла институтларини янада мустаҳкамлаш, оналик ва боликни давлат муҳофазасига олиш ўз ифодасини топди.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида", "Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари, хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга қўшимча имтиёзлар бериш борасидаги амалий ишлар, "Соғлом она — соғлом бола" умуммиллий Давлат дастури, вилоятларда барпо этилаётган скрининг ва перинатал марказлар фикримизга далил бўла олади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 депутатнинг 33 нафари, Сенатнинг 15 аъзоси хотин-қизлардир. Улар давлат бошқаруви органларида, вазирлик ва идораларда, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари, соғлиқни сақлаш ва маҳалла бошқаруви тизимида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқдалар.

Яна бир гап. Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоларининг 48,9 фоизи хотин-қизлардан иборат. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги мавжуд партия фракциялари ичида айнан "Адолат" СДП фракцияси таркибида аёл депутатлар сони энг кўпчиликни ташкил этади.

Илм-фан, маданият ва спорт соҳасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган ёшларимиз сафида хотин-қизларнинг сони йилдан-йилга ошиб бораётир. Президентимизнинг "Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қарори (2010 йил, 1 апрель) бу борадаги ғамхўрликнинг янги намунаси бўлди. Аёлларимизнинг шижоатли меҳнати, илмий ва ижодий изланишлари, ташкилотчилик қобилиятлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланмоқда.

Эътироф этиш зарурки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган ғамхўрлик янада юқори босқичга кўтарилди. Ўзбекистон гендер сиёсатини юритишда катта ютуқларга эришди. Ўтган ярим аср ичида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аёллар ҳаёти ва ҳуқуқига тааллуқли 30 дан зиёд конвенциялар, халқаро битимлар ишлаб чиққан бўлса, Ўзбекистонда 20 йил ичида аёллар масаласида 80 дан ортиқ халқаро андозаларга мос миллий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, уларнинг давлат қурилишидаги иштирокини таъминлаш сиёсий, иқтисодий ва маънавий аҳамиятга эга масаладир. Ўзбекистонда ҳар томонлама пухта ўйланган давлат сиёсатининг амалга оширилиши натижасида хотин-қизлар ҳаракатлари ва ташкилотлари ҳам миқдор, ҳам мазмун жиҳатидан беқиёс ўсди. Улар учун дунё хотин-қизлар ташкилотлари билан бевосита мулоқот

**Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоларининг 48,9 фоизи хотин-қизлардан иборат. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги мавжуд партия фракциялари ичида айнан "Адолат" СДП фракцияси таркибида аёл депутатлар сони энг кўпчиликни ташкил этади.**

қилиш билан боғлиқ кенг имкониятлар яратилди. Хотин-қизлар орасидан янги мулкдорлар — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг раҳбарлари етишиб чиқди ва бу қатлам йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Хотин-қизларнинг таълим олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, илмий ва касбий салоҳиятларини ўстириш учун тегишли шароитларни яратиш мамлакатимизда давлат томонидан кафолатланган. Миллий қонунчилигимизда хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўз аксини топган.

Аёл маънавияти миллат келажагини белгилаб берувчи муҳим пойдевор ҳисобланади. Шу боис аёлларнинг илмли, оқила ва фозила бўлишидан, улар ўз фарзандларини юксак маънавий фазилатлар, она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашларидан жамият ҳамиша манфаатдордир. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ўз фаолиятида жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қиз тадбиркорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга ўз истеъдодларини тўла намоён этиш учун зарур бўлган шароитларни яратиб беришга алоҳида эътибор беради. Айни пайтда, сиёсий партияларнинг "Аёллар қаноти" тобора мустаҳкамланиб бормоқда. 2009 йилнинг май-июль ойларида фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, сиёсий партиялар, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган "Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш соҳасида самарали шакл ва услубларни қўллаш" мавзусидаги туркум ўқув-семинарлари бу борадаги ютуқ ва камчиликларни яққол кўрсатиб берди. 2009 йилдан бошлаб фаолият юритаётган "Қўли гулдир ўзбек аёлин..." деб номланган кўргазма-савдода Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида истиқомат қиладиган кўплаб аёлларнинг қўл меҳнати билан яратилган юзлаб турдаги маҳсулотлар намойиш қилинмоқда, кўргазма-савдо доирасида иштирокчиларга "Маҳорат дарслари" машғулотлари ташкил этилгани эса ўзининг ижобий самарасини бераётир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги қарори, ҳукумат комиссиясининг 2009 йил 23 апрелдаги мажлиси қарори асосида аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни ҳаётга келтириш ва тарбиялаш мақсадида жамоатчиликнинг тиббий маданияти ва саводхонлик даражасини оширишга қаратилган кенг кўламли ахборот-тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Аҳоли орасида, айниқса, хотин-қизлар ва никоҳдан ўтувчи ёшлар орасида соғлом оила қуриш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш масалалари юзасидан тизимли асосда тушунтириш ишларини ташкил қилиш мақсадида жойлардаги хотин-қизлар қўмиталарининг мутасадди ташкилотлар, жумладан, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, давлат ва жамоат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Кейинги бир неча йил ичида хотин-қизлар қўмитаси раислари томонидан 500 мингдан ортиқ оилалар билан тегишли суҳбатлар ўтказилиб, 150 мингга яқин оилаларга ва ёш хотин-қизларга турли ёрдамлар кўрсатилган. Шунингдек, маҳаллаларда маслаҳатчилар ва маҳалла фаоллари томонидан 2 миллиондан ортиқ оилалар ўрганиб чиқилган ва 317 мингдан ортиқ оилага тиббий, 558 минг оилага маънавий, 112 минг оилага моддий ёрдам кўрсатилган, 100 мингдан ортиқ хотин-қиз ишга жойлаштирилган.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти ва тиббий кўрикдан ўтмасдан турмуш қуришнинг салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишлари мунтазам равишда йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда. "Соғлом она — соғлом бола" мавзусини, соғлом турмуш тарзини ёритишда оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этмоқдалар. Республиканинг барча ҳудудларида Наврўз байрамига бағишланган спортнинг миллий турлари бўйича мусобақалар, 1 июнь — болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишланган "Соғлом оила" спорт ўйинлари, шунингдек, хотин-қизлар ўртасида спортни тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган анъанавий республика "Тўмарис" спорт фестивали тобора оммалашиб бормоқда. Республика хотин-қизлар қўмитаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан ҳамкорликда "Оналар куйлаганда" номли алла, ёр-ёр, лапар, айтишув ва ўлан ижрочиларининг республика кўрик-танловини, мана бир неча йилдирки, мунтазам равишда ўтказиб келмоқда.

Ҳар йилнинг август-сентябрь ойларида маҳалла маслаҳатчилари ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрами олдидан маҳалла гузарларида, истироҳат боғларида, чекка қишлоқ ва овулларда "Мустақиллик — энг улуғ, энг азиз байрамимиз" мавзусида вилоят, шаҳар ва туманларнинг фаоллари, фахрийлар ва малакали мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилади. "Яраштириш комиссиялари" оилавий муаммоларни ҳал этишда, аёллар орасида жиноятчиликни камайтириш борасида самарали фаолият олиб бормоқдалар.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кириб келаётган янги йилга "Обод турмуш йили" деб ном берилди. Мустақиллик боис халқимизнинг бу ҳаётда бахтли ва фаровон яшаш, ўзидан эзгу амаллар қолдириш, келажак насллларга озод ва обод Ватан қолдиришдек эзгу ниятини рўёбга чиқариш учун жуда кенг имкониятлар юзага келди. Истиқлол, наинки Ватанимизни, гўзал пойтахтимиз Тошкентни, шаҳар ва қишлоқларимизни, шу билан бирга, кўнгилларни ҳам обод этди. Бугунги кунда халқимиз, айниқса, ёшларимиз Ватанимизнинг ёруғ келажагига, йиллар ўтгани сари ҳаётимизнинг янада фаровон, турмушимизнинг янада серфайз бўлишига қатъий ишонган ҳолда, тинчлик-тотувликка шукроналар айтиб, меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлаб умргузаронлик қилмоқдалар. Янги 2013 йилда бу борада амалга ошириладиган яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари мустақил Ўзбекистонимизни янги юксак босқичларга кўтариши шубҳасиз.

**М.АҲМЕДОВ**

---

**Сўраган эдингиз**

## Оилавий тадбиркорлик билан шуғуллансам...

*Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга қандай солиқ имтиёзлари белгиланган?*

**Г. Комилова**

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларга қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Жорий йилнинг 26 апрелида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»-ги Қонун қабул қилиниши оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш, оила учун янада кенг имкониятлар яратиш ва халқимиз фаровонлигини янада оширишни таъминлашга замин яратди.

Қонунда белгиланганидек, оилавий тадбиркорлик оила аъзоларининг даромад (фойда) олиш мақсадида амалга оширадиган ташаббускорлик фаолияти бўлиб, иштирокчиларнинг ихтиёрийлигига асосланган ҳолда, юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли — оилавий корхонадир.

Оилавий корхонада ҳисоб-китоблар юритиш кичик тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган тартибда амалга оширилиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона солиқ тўловини тўлайди.

Бундан ташқари, оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасаррруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди.

Шуни қайд этиш лозимки, оилавий корхонага кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар татбиқ этилади.

Оилавий корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини режали текшириш кўпи билан тўрт йилда бир марта, янги ташкил этилган оилавий корхонанинг молия-хўжалик фаолияти у давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилмайди.

Оилавий корхоналар учун яна бир қулайлик яратилдики, унга биноан фаолиятида фойдаланиб келинаётган турар-жой фондини нотурар жой фондига ўтказиш талаб этилмайди. Товарлар ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) учун фойдаланилган электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ ва иссиқлик таъминоти ҳақини тўлаш эса, аҳоли учун белгиланган тарифлар ва шартлар асосида амалга оширилади.

Саволга Ўзбекистон Республикаси
ДСҚ бўлим бошлиғи
**Миролим КАРИМОВ жавоб берди**

---

## Солиқдан имтиёзлар борми?

*Мен пойабзал ва чармдан тайёрланган буюмларни таъмирлаш билан шуғулланаман. Агар ака-укаларимни ҳам жалб қилиб, янги қонун бўйича оилавий корхона ташкил этмоқчи бўлсам, солиқ тўлашда қандай имтиёз бор?*

**Баҳром Раҳимов,** *Тошкент шаҳри*

— «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши, мамлакатимизда, аввало, маҳаллаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада кенгайиши ва ривожланишига, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ошишига муҳим омил бўлмоқда.

Оилавий корхона ягона солиқ тўловчи ҳисобланади, яъни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин уларнинг ихтиёрида қоладиган фойдага солиқ солинмайди, бу фойда унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ва бунда иштирокчилар даромад солиғи тўламайдилар. Агарда оилавий корхона халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш билан шуғулланса, уларни реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан ҳам белгиланган тартибга биноан озод қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2012-2016 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорига кўра, 2017 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинган хизмат турлари кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар таркибига маиший хизмат кўрсатиш ҳам киритилган. Агар сиз пойабзал ва чармдан тайёрланган буюмларни таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатадиган оилавий корхона ташкил этмоқчи бўлсангиз, 2017 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини тўлашдан озод ҳисобланасиз. Илгариги қонунчиликдаги ҳолат бўйича мазкур солиқ имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2014 йил 1 январгача қилиб белгиланган эди. Энди яна 3 йилга узайтирилди.

Саволга Олмазор тумани ДСИ
бўлим бошлиғи **Ф. НИҒМОНОВ,**
**жавоб берди**

---

## Фарзандларимга мерос қолдирсам...

*Ўн олти йилдан бери фермер хўжалигининг раҳбариман. Ёшга доир нафақага чиқиш арафасидаман. Ўз фермер хўжалигимнинг мол-мулкини фарзандларимдан бирига васият бўйича мерос қилиб қолдиришим мумкинми?*

**Фахриддин ТУЛАБОЕВ,**
Тошкент вилояти

— Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонунида фермер хўжалигининг мол-мулки фуқаролик қонун хужжатларига мувофиқ мерос қилиб қолдирилади, деб таъкидланади. Хўжаликда фаолиятни давом эттираётган меросхўрлар мерос хуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берилганлик учун давлат божи тўлашдан озод этиладилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1120-моддасига асосан фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган ҳамда кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга, юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Мерос қолдирувчи қонун бўйича ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга хақли.

Мерос қолдирувчи васиятнома тузилгандан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас. Шунингдек, васият қилувчи меросхўрлардан биттасини, бир нечтасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли.

Саволга Тошкент вилояти
Янгийўл тумани ДНИ нотариуси
**Гулбаҳор ФАКИРОВА жавоб берди**

# Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг намойиши

Давоми. Боши 1-бетда

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида Тошкент шаҳри мегаполисга айланди. Пойтахтимизнинг меъморий қиёфаси ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, узоқни ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланмоқда. Иморатлар бирбирини такрорламайдиган лойиҳалар асосида барпо этилмоқда, айни пайтда уларнинг ҳар бири атрофдаги бинолар билан уйғунлик ҳосил қилмоқда. Сир эмаски, ҳар қандай шаҳарда кўчалар унинг яхлит умумий манзарасини белгилайди.

Шу нуқтаи назардан Тошкентнинг марказий кўчаларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари алоҳида эътиборга молик. Алишер Навоий кўчасида пойтахтимиз меъморий қиёфасини янгилаш ва ободонлаштириш, аҳолининг турар-жой шароитини тубдан яхшилаш дастури доирасида улкан ҳажмдаги ишлар бажарилди. Бу ерда ижтимоий-маданий ҳамда савдо ва маиший объектларни ўз ичига олган, 320 хонадонга мўлжалланган саккизта кўпқаватли янги уй барпо этилди.

2012 йил — Мустаҳкам оила йили сўнгида ва 2013 йил — Обод турмуш йили арафасида — 27 декабрь куни янги хонадонлар эгалари ўз уйларига кўчиб ўтдилар. Халқимизнинг гўзал удумига кўра уй эгаларининг қувончига эл-юртимиз шерик бўлди, уй тўйлари катта шодиёнага айланди.

Президентимиз Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси билан яратилган ушбу мажмуа лойиҳаси «Тошкент бошпланЛИТИ» давлат унитар корхонаси томонидан ишлаб чиқилган. Мажмуа ҳар бири 7 қаватли 8 уйдан иборат бўлиб, уйларнинг биринчи ва иккинчи қаватларида ижтимоий-маиший, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари жойлашган.

Уйлар автомобиль магистралидан 24,5 метр ичкарида қурилгани хонадонларни кўчадаги автомобиллар шовқинидан ҳимоя қилиш имконини беради. Алишер Навоий кўчаси ва уйлар ўртасида каштан кўчатлари ўтқазилган хиёбон ташкил этилди. Бу, табиийки, мажмуадаги савдо ва маиший комплексларга келганлар учун ҳам қатор қулайликлар яратади. Бинолар фасад қисмининг дастлабки икки қавати қизил гранит, кейинги беш қавати оқ кристаллит ойна билан қопланган.

Ҳар бир уй икки блок-секциядан иборат бўлиб, битта блок-секцияда 20 хонадон, битта уйда эса уч, тўрт ва беш хонали 40 хонадон жойлашган. Хонадонлар кенг, шифтлари баланд, ёруғ ва шинам, бемалол яшаш учун ҳар жиҳатдан қулай. Меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси, ошхона, ювиниш хонаси халқимизнинг турмуш тарзига мос ҳажмда ва тартибда лойиҳалаштирилган. Уй тарҳи хоналарни икки томонлама шабадалатиш имконини беради. Ҳаво ҳарорати ва намлигини бир маромда сақлаш тизими шифт орасидан ўтказилган ва шу билан мазкур тизим ортиқча жой эгаллашининг олди олинган. Санузел хоналари подъезд томондаги деворга туташтириб қурилгани хоналарни подъезддаги шовқиндан ҳимоя қилади. Бундан ташқари хонадонлар "Домофон" тизими билан таъминланган, девор ва полларни пардозлаш ишларида замонавий материаллардан фойдаланилган.

Подъездларни пардозлаш ишлари ҳам юксак даражада бажарилган. Зиналарга жилов беришда замонавий керамик плиталар ва силлиқланган гранит плиталар ишлатилган. Ҳар бир уйда 1000 килограмм юк кўтариш қувватига эга замонавий, икки томонлама эшикли лифтлар ўрнатилган. Лифтлар кабинаси кенг ва шинам.

Уйларнинг ҳовли томонидаги каштан, қарағай, эман каби дарахтлар экилган, кенглиги 32 метрни ташкил қилувчи кўкаламзорлаштирилган ҳудуд кўзга қувонч бағишлайди. Ушбу яшил ҳудуд ва унинг атрофида микроиқлим ҳосил қилиш мақсадида фавворалар қурилган, болалар учун ўйин ва спорт майдончалари яратилган. Хиёбонда замонавий ёритиш ва ёмғирлатиб суғориш тизимлари ўрнатилган.

— Янги йил байрами арафасида пойтахтимиз марказида бунёд этилган мана шундай замонавий уйга кўчиб ўтганимиз оиламиз учун унутилмас воқеа бўлди, — дейди янги хонадон соҳибларидан бири, "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси бошқарма бошлиғи ўринбосари Ўктам Қурбонов. — Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов оилаларни, хусусан, ёш оилаларни мустаҳкамлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига доимий эътибор қаратиб келмоқда. Оиламизнинг имтиёзли шартлар асосида Европа мамлакатларидаги энг замонавий уйлардан сира қолишмайдиган турар-жойга эга бўлгани ана шу юксак ғамхўрликнинг, юртимизда инсон омилига нақадар катта аҳамият берилаётганининг яққол намунасидир.

— Менинг ёшлигим ушбу янги иморатлар тушган ерларда ўтган, — дейди пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Дегрез маҳалла фуқаролар йиғини раиси Марат Ғуломов. — Ўша даврларда кўчанинг бир томони эски ҳовлилардан иборат, иккинчи томони эса жарлик, турли зарарли ва заҳарли ҳашаротларнинг уяси эди. Шаҳар марказидаги бундай кўримсиз ва бефайз манзара одамнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатмай қолмасди, албатта. Кейинчалик кўча юзида бирбиридан хунук, омонат савдо дўконлари қурилди. Аммо уларнинг орқа томони жарлигича, хилватлигича қолаверди. Дўконлардан чиққан турли чиқиндилар кўчадаги санитария ҳолатини янада ёмонлаштирди. Бугун биз кўриб турган мана бу манзара эса мўъжиза! Қисқа вақт ичида бу ерда мана шундай обод маскан — замонавий турар-жой биноларининг барпо этилиши истиқлолимиз шарофатидан, Юртбошимизнинг халқимиз манфаатларини таъминлаш борасида юритаётган изчил сиёсати самараларидандир.

— Янги уйларда биз, аёллар учун яратилган қулайликларни илгари фақат орзу қилиш мумкин эди, холос, — дейди хонадон соҳибаси, Чилонзор туманидаги 126-мактаб ўқитувчиси Бибидона Мирзаева. — Кенг ва шинам меҳмонхона, ошхонада яратилган қулайликлар, бу ердаги замонавий жиҳозлар ҳар қандай уй бекасининг ҳавасини тортиши шубҳасиз. Фарзандларимизнинг дарс тайёрлаши, дам олиши учун ҳам барча шароит муҳайё. Яна бир қулай томони тўрт хонали уйимизда учта ювиниш хонаси бор. Бу — уйни лойиҳалаштиришда халқимизнинг урф-одатлари, ўзига хос турмуш тарзи билан боғлиқ жиҳатлар эътиборга олинганидан далолатдир. Бундай ғамхўрлик учун Президентимиздан жуда миннатдормиз.

— Бу ерда илгари электр техникаси ва маиший товарлар билан савдо қиладиган дўконлар жойлашгани боис кўчанинг транспорт юрадиган қисмида доимо тирбандлик юзага келарди, — дейди тадбиркор Анора Эрназарова. — Йўллар ёқасида машиналар турнақатор бўлиб турар, улар транспорт воситалари ва йўловчиларнинг ҳаракатига тўсқинлик қиларди. Дўконларнинг ташқи кўриниши, пиёдалар учун мўлжалланган йўлкаларга бетартиб қўйиб ташланган маҳсулотлар ҳам пойтахтимизнинг умумий қиёфасини жуда бузиб турарди. Дўконлар тор, истаган нарсани топиш азоб эди. Энди манзара тамоман ўзгарган. Илгари биз ҳавас қилган чет элдаги савдо қаторларидан ортиқ бўлса ортиқки, кам жойи йўқ. Кирган одамнинг баҳри дили очилади. Кўплаб турдаги электр техникаси ва маиший маҳсулотлар, мебель ва гиламлар, озиқ-овқат, кийим-кечак, китоблар, парфюмерия, пойабзал маҳсулотлари билан савдо қилувчи, болалар учун ихтисослаштирилган кенг ва ёруғ дўконларда харидор учун ҳам, сотувчи учун ҳам барча шароит ва қулайликлар яратилган. Харидорлар машиналарини қўйиши учун алоҳида жой ажратилган. Буларнинг ҳаммаси одамларимизнинг маданияти, жумладан, савдо маданияти янада юксалаётганидан далолатдир. Зеро, Президентимиз айтганидек, бизнинг ҳеч кимдан, ҳеч бир соҳада кам жойимиз йўқ.

Улуғ бобомиз Алишер Навоий номи билан аталувчи кўчани маржонга тизилган марвариддай безаб турган янги уйлар ўз эшикларини очди. Халқимиз бунёдкорлик салоҳияти ва эзгу орзулари ифодаси сифатида бундай иморатларнинг бунёд бўлгани ўзига хос рамзий маънога эга. Зеро, Ватанимиз буюк аждодларимиз орзу қилганидек тобора юксалиб бормоқда. Одамларимизнинг бахтли ва фаровон ҳаётига хизмат қилувчи, бинокорлик соҳасида янги бир даврни бошлаб берган бу уйларнинг фойдаланишга топширилиши билан истиқлолимиз солномасидаги яна бир бунёдкорлик йили — Обод турмуш йили бошланмоқда.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
ЎзА мухбири

---

Таҳлил

# Очиқлик, ошкоралик ва ҳисобдорлик

## электрон тўлов тизими ривожи партия дастурий ғояларининг амалга ошишига ёрдам беради

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг бугунги ҳолати, соҳага доир қонун ҳужжатларининг ижроси ҳамда эришилаётган ютуқ ва камчиликлар таҳлил этилди.

Йиғилишда "Электрон тижорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси ва "Ўзбекистонда электрон тижорат тизимини ривожлантириш борасидаги долзарб вазифалар" тўғрисида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, "Электрон тўловлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси ва "Ўзбекистонда электрон тўловлар тизимини ривожлантириш борасидаги долзарб вазифалар" тўғрисида Марказий Банк ахборотлари тингланди.

Йиғилишда таъкидланганидек, "Ахборотлаштириш тўғрисидаги", "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, "Электрон тўловлар тўғрисида"ги, "Электрон тижорат тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар электрон тижорат ва электрон тўловлар соҳаси ривожида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мукаммал қонунчилик базаси ва замонавий АКТ негизида қурилган инфратузилма туфайли мамлакатимизда электрон тижорат ва электрон тўловлар соҳаси ривожланиб, ушбу соҳада хўжалик юритувчи субъектларнинг фаол иштироки кузатилмоқда. Соҳага замонавий технологиялар жорий қилиниши туфайли банк муассасалари Интернет тармоғи ва мобиль алоқа орқали масофадан хизматлар кўрсатиш имконига эга бўлди.

Хўжалик юритувчи субъектлар, кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларнинг электрон тижорат ва электрон тўловлар имкониятларидан оқилона фойдаланганлиги туфайли тижорат ишида ҳамкорларни топиш, шартномалар тузиш, ташқи бозорга тезкор чиқиш имконияти кенгайиб, уларнинг рақобатбардошлиги ошмоқда.

Республикамизда "Uzkart" банклараро тўлов тизими асосида 30 та тижорат банкларининг тўлов тизимлари бирлаштирилган ҳолда микрочип модулли банк карталари бўйича тўловлар амалга оширилаётгани мижозлар оғирини енгиллаштираётир. Жорий йил бошида пластик карточкалар сони 8 млн. 275 мингдан зиёдни ташкил этган бўлса, 1 ноябрь ҳолатига ушбу кўрсаткич яна қарийб 410 мингтага кўпайди. Мазкур даврда савдо терминаллари 99688 тадан 112661 ўсди, банк киоскалари эса 1082 тага етди. Банкларнинг масофадан туриб ҳисоб-рақамларни бошқариши енгиллашди, 1 ноябрь ҳолатига "Интернет-банкинг" фойдаланувчилари 36144 тага, "СМС-банкинг" фойдаланувчилари эса 44568 тага етди.

Шунингдек, қўмита эшитувида ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда соҳага доир қонунчилик ижросида йўл қўйилаётган камчиликлар, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан фойдаланилмаган имкониятлар ҳақида танқидий фикрлар билдирилди.

Қўмита аъзолари томонидан ушбу хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатор тавсиялар билдирилди. Хусусан, электрон тижорат ва электрон тўловлар тизимининг иқтисодий ва технологик асосларини такомиллаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирларни белгилаш, соҳада фаолият юритувчи субъектларга солиқ имтиёзларини бериш, электрон тижорат Интернет-платформасини давлат даражасида ривожлантириш ва уни халқаро платформалар билан интеграция қилиш, "Товарларнинг электрон паспорти" давлат стандартларини қабул қилиш, ахборот тизимлари ва молиявий ишловлар маҳфийлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, амалдаги қонунчиликни миллий ва хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Қўмита аъзолари — сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари вакиллари ўзларининг сайловолди платформалари ва ҳаракат дастурларидан келиб чиқиб, муҳокама этилаётган масалаларга доир ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

— Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурида замонавий телекоммуникация ва ахборот технологияларини жамиятнинг барча соҳаларига фаол жорий этиш, Интернет тармоғи орқали турли интерактив хизматларни кўрсатишни ривожлантириш кўзда тутилган, — деди партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Раъно Гаимова. — Шу боис электрон тижорат ва электрон тўлов тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришда нафақат тадбиркорлик субъектларини, балки аҳолининг барча қатламлари манфаатлари инобатга олиш лозим. Шунингдек, электрон тўлов тизими самарадорлигини оширишда ҳар бир оилани компьютерлаштиришни ривожлантириш, қолаверса, электрон тижоратни ривожлантириш борасида инновацион дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш зарур.

**Дилором ЖУМАНИЁЗОВА,**
**«Adolat» мухбири**

---

# Депутатлик назорати

## фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади

Маҳаллий Кенгашларда

Электорат манфаатларини ҳимоялаш, ҳаётий муаммолар ечимини ўз вақтида илғаш, қонун ва қарорлар ижросини назорат қилиш ҳамда уларнинг аҳоли ўртасидаги кенг тарғиботига аҳамият қаратиш бугун ҳар бир депутат фаолиятида долзарб вазифадир.

Ўзбекистон "Адолат" СДПдан сайланган халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашидаги депутатлар сайловчилар билдираётган ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги масалаларни ҳал қилишда депутатлик сўровидан самарали фойдаланишмоқда. 2012 йилнинг биринчи чорагида вилоят Кенгаши депутатлари томонидан турли ташкилотлар раҳбарларига долзарб масалалар юзасидан ўндан ортиқ депутатлик сўрови юборилганлиги ҳам шундан далолат бериб турибди. Депутатлик сўрови натижаси ўлароқ 3 та қишлоқда ичимлик суви, 5 қишлоқда газ таъминоти яхшиланди. Ховос шаҳарчасидаги айрим кўчалар тегишли идоралар кўмагида таъмирланди.

Маълумки, қонун ва қарорларнинг жойлардаги ижроси юзасидан депутатлик назоратини ўрнатиш фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Сессияларда шу мақсадда йўлга қўйилган ҳоким ўринбосарлари, бошқарма ва ташкилот раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш амалиёти ижобий натижа бермоқда. Жумладан, доимий комиссия йиғилишларида, вилоят "Сувоқова" ишлаб чиқариш бошқармасининг аҳолига тоза ичимлик суви етказиб бериш, Гулистон шаҳар ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва ирригация бошқармасининг амалга оширган ишлари, вилоят алоқа ва ахборотлаштириш ҳудудий бошқармасининг ахборот-коммуникация тизимида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг дастурида "Энергия ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириб, уни қатъий тежаш тартибини тузиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш, қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш ва энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш" партиянинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Бу йўналишда партия ҳамда унинг жойлардаги ташкилотлари, депутатлик корпуси ташаббуси билан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилаётир.

Хусусан, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳимизнинг жорий йил иш режасида энергияни тежаш, муқобил энергия ишлаб чиқаришни вилоят миқёсида ривожлантириш масаласи ўрин олган эди. Шу мақсадда "Сирдарё вилоятида муқобил энергия манбаларини ривожлантиришнинг ташкилий асослари" деб номланган масала вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига қўйилди.

Шу билан бирга, депутатлик гуруҳи аъзолари вилоятда Инвестиция дастурининг ижроси бўйича ҳам назорат-таҳлил ўтказишди. Таҳлил натижалари депутатлар ўртасида, доимий комиссияларда муҳокама қилинмоқда, мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга эътибор қаратиб келмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, айни пайтда депутатлик гуруҳимиз аъзолари томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, вилоятимиз аҳолиси манфаатларини таъминлаш, уларнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Сайловчиларнинг таклифлари юзасидан вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига, тегишли ташкилотларга юборилаётган сўровлар, шу асосда олиб борилаётган назорат тартибидаги ишларимиз, табиийки, ютуқларимизга асосий омил бўлади.

**Ғойибназар РАЙИМНАЗАРОВ,**
халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши депутати

---

БПТ — партия негизи

# Етакчилик қобилияти

## партия ғоя ва мақсадларини ёйишда қўл келади

Бугунги кунда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг 11 та туман кенгашлари қошида 233 та БПТ фаолият юритмоқда. Улар орасида Мирзо Улуғбек тумани кенгаши партия дастурий мақсад ва ғояларини кенг омма орасида тарғиб қилиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Туманда мавжуд 20 дан ортиқ қуйи ташкилотнинг ҳар бири амалий ишлари билан электорат ишончини қозониб келмоқда.

Куни кеча туман партия кенгашида «Сиёсий партиялар ҳудудий бўлинмалари, БПТлари фаолият кўрсатишининг оптимал йўлларини аниқлаш ва излаб топиш, электоратни жалб қилишнинг янги ва самарали шаклларидан фойдаланиш» мавзуидаги давра суҳбатида бошланғич партия ташкилотлари — партия негизи эканлигига алоҳида урғу берилди. Қуйи бўғинлар аъзоларининг ташаббускорлиги, етакчилик қобилияти партия ғоя ва мақсадларини ёйишда қўл келиши таъкидланди.

Туман партия кенгаши таркибидаги барча БПТ етакчилари иштирок этган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кунда сиёсий партиялар, хусусан, Ўзбекистон «Адолат» СДП олдида турган энг долзарб вазифалар ҳақида сўз юритишди. Ютуқлар ва айни пайтда камчиликлар чуқур таҳлил қилинди. Шунингдек, туманнинг барча ҳудудларида кўп сонли БПТларни ташкил этиш ва самарали фаолиятини йўлга қўйиш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратиляпти.

— Жорий йил туманимизда 7 та йирик бошланғич ташкилотлар ташкил этилди, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Мирзо Улуғбек тумани кенгаши раиси Адолат Яҳёева. — 5-сонли болалар шифохонасида, 2-сонли болалар жарроҳлик касалхонасида, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг асосий кутубхонасида тузилган БПТ шулар жумласидандир. Айни вақтда улар фаоллиги билан ажралиб турибди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, туманимизда талабга жавоб бермайдиган қуйи бўғинлар ҳам йўқ эмас. Камчиликларни бартараф этиш мақсадида тузилган туман кенгаши ҳузуридаги доимий комиссия БПТлар ишини ўрганиш ва қайта кўриб чиқиш, партия аъзоларининг рўйхатини шакллантириш каби вазифаларни уддаламоқда. Тадбирда қуйи ташкилотлар тарғиботи самарадорлигини ошириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари иштирокида жойларда давра суҳбатлари, сиёсий ўқув ва учрашувлар ўтказишга келишиб олинди. Шу билан бир қаторда нотиқлар БПТ ва партия кенгаши алоқаларини мустаҳкамлаш ҳам устувор масалалардан бири саналишини алоҳида эътироф этишди.



Тадбир иштирокчилари уч гуруҳга бўлиниб, интерактив шаклда иш олиб боришди. БПТлар ишини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзаро баҳс-мунозарали фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот хизмати

### Ифтихор

Жамиятнинг тараққиёт даражасини белгиловчи омиллар кўп, албатта. Назаримда адолат устуворлиги, қонун ҳамма учун тенглиги кўлами ҳамда аҳамиятига кўра алоҳида ажратиб турадиган омиллардир. Зеро, юртимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, халқ қийинчиликларга, етишмовчиликларга, машаққатларга чидаши мумкин, аммо адолатсизликка тоқат қилолмайди. Шу маънода Асосий Қонунимизни жамиятнинг адолатли, демократик тарзда ривожланишининг ҳуқуқий кафолатидир.

# Адолатли жамият тараққиёт негизидир

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида биз интилаётган буюк келажак, буюк мақсад борасида алоҳида тўхталиб ўтилгани эътиборимни тортди: "Юртимизда қабул қилинган ва қабул қилинаётган қонунлар ва ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар, умуман, бугун бизнинг амалий ҳаётимизда қилаётган барча-барча ишларимиз мамлакатимизни ривожлантириш ва модернизация қилиш суръатларини қай даражада жадал таъминлаб бераётгани, бизни ўз олдимизга қўйган бош мақсадимизга, яъни **Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишидек** буюк мақсадга қанчалик яқинлаштираётганини англаш ва баҳолаш биз учун, айниқса, муҳимдир".

Буюк мақсадлар инсонни, миллатни юксакликка кўтаради. Буюк мақсадлар олисда маёқ бўлиб порлаб туради, унга интилган, бунинг учун тинмай саъй-ҳаракат қилган халқ албатта ўз мақсад манзилига етади. Биз, шубҳасиз, Ватанимизнинг энг ривожланган, тараққий этган мамлакат бўлиб қолишини истаймиз. Албатта, ҳолва деган билан оғиз чучиб қолмайди. Мақсад улуғлиги эл-юртдан фидойиликни, заҳматларга чидашни, қийинчиликларни енгиб ўтишни талаб этади. Бу машаққатли жараёнда, шубҳасиз, аҳолининг онг-шуурида, ҳуқуқий маданиятида, маънавиятида юз берган ижобий ўзгаришлар жуда катта аҳамиятга эга. Зеро, давр, янгича ижтимоий муносабатлар халқ тафаккурини ўзгартирувчи муҳим воситадир. Юртимизда халқимизнинг ижтимоий ҳаётга, меҳнатга, мулкка муносабати тобора ўзгариб бораётгани, сиёсий ва ҳуқуқий маданият кўтарилиб бораётгани шу юрт келажагига дахлдор фуқаро ва ҳуқуқшунос сифатида мени мамнун этади, албатта.

Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб аталиши замирида теран мазмун бор. Яъни жамиятимизнинг энг катта бойлиги бўлган халқ манфаатлари, ҳуқуқ-эркинликлари таъминланган, буюк мақсад сари ҳормай-толмай интилаётган адолатли жамиятдагина турмуш обод ва кўркам бўлади. Кириб келаётган Обод турмуш йили Ватанимиз тарихида бу борада янада улкан ютуқлар қўлга киритилган, мақсад манзилини янада яқинлаштирган саодатли йил бўлиб қолиши эса ҳаммамизнинг ва ҳар биримизнинг ўз ўрнимизда адолатли, ҳалол, фидойилик ила меҳнат қилишимизга боғлиқ.

**Гулсара ЮСУПОВА,**
Қибрай тумани ФҲДЁ бўлими мудири

# «Чирчиқ тажрибаси»

## аҳолини сифатли ва қулай хизматлар билан таъминлашга қаратилган

Давоми. Боши 1-бетда



Сиёсий ўқув доирасида дастлаб иштирокчилар шаҳардаги аҳоли ва тадбиркорларга кўмак берувчи «Ягона ойна» маркази ҳамда «Grand Asia med service» хусусий клиникаси ва улардаги партиянинг бошланғич ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

— Марказимиз шаҳар аҳолисининг коммунал тўловларни марказлашган ҳолда амалга оширишларига кўмаклашиш ҳамда тадбиркорларга зарурий маслаҳат ва кўрсатмаларни бериб боришга ихтисослашган бўлиб, ҳар ойда ўртача бир миллионга яқин мижозга хизмат кўрсатамиз, — деди «Ягона ойна» марказидаги БПТ раиси Л. Султонова. — Партиямиз дастурида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, ижтимоий соҳа объектлари фаолиятини такомиллаштириш асосий вазифалардан этиб белгиланган. Жорий йил бошида шаҳар партия кенгаши фаоллари ташаббуси ва Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги кўмаги билан ташкил этилган марказимиз ҳам партия дастуридан келиб чиқиб, фуқароларнинг мушкулини осон қилиш, тадбиркорларга услубий, амалий ёрдам кўрсатишга бел боғлаган.

Шунингдек, «Grand Asia med service» хусусий клиникасининг фаолияти ҳам иштирокчиларда катта таассурот уйғотди. Таъкидлаш жоизки, 2011 йилдан буён фаолият юритиб келаётган клиника бугунги кунда аҳолига зарурий тиббий хизмат кўрсатиш борасида энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган тиббиёт муассасасига айланган. Шу билан бирга, жорий йилда бу ерда ташкил этилган Ўзбекистон «Адолат» СДП бошланғич ташкилоти фаолияти ҳам клиника ходимларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Жорий йилда БПТ ташаббуси билан ташкил этилган бир қатор сиёсий ўқувлар, маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар бунинг яққол исботи бўла олади.

— Жорий йилда марказий ва ҳудудий партия ташкилотлари кадрларининг сиёсий саводхонлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди, — деди тадбирни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров. — Биргина партия Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан 22 та минтақавий ва республика даражасидаги сиёсий ўқишлар ташкил этилган бўлса, ҳудудий партия ташкилотлари томонидан 170 дан ортиқ ана шундай тадбирлар ўтказилди. Уларда 8 мингга яқин партия кадрлари, БПТ котиблари, Аёллар ва «Ёш адолатчилар» қаноти Кенгаши аъзолари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлари, партия фаоллари иштирок этдилар.

Партия кадрларининг сиёсий малакасини ошириш борасида Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари фаоллик кўрсатишмоқда. Аммо шунга қарамай ҳудудий партия ташкилотлари томонидан мазкур йўналишда ўтказилган тадбирларнинг ҳаммаси ҳам ташкилий савияси ва сифати жиҳатдан талабга жавоб берди, деб бўлмайди. Яъни айрим партия ташкилотлари шунчаки, расмиятчилик учунгина тадбирлар ташкил этганликларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Шу боис жорий йилдаги фаолиятимизни танқидий таҳлил қиларканмиз, бу каби камчиликларни бартараф этишимиз, келгусида ўтказиладиган тадбирларни сифат ва мазмун жиҳатдан юқори босқичга кўтаришга эришишимиз лозим.

— Партия тизимида ишлаётган раҳбарлардан, энг аввало, фидойилик талаб этилади, — деди Чирчиқ шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Р.Дастиров. — 2012 йил давомида шаҳримиздаги аъзоларимиз сони 1100 нафарга етди. Ишонч билан айтиш мумкинки, келгуси йилда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш ва электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилиш орқали аъзоларимиз сонини янада оширишга эришамиз.

Тадбирда шунингдек, партия ташкилотларининг фаолиятини янада жонлантиришда юқори ташкилотчилик ва ижро интизомини таъминлаш, кадрларнинг салоҳияти ва масъулиятини ошириш каби масалалар ҳам қизғин муҳокама қилиниб, ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Тошкент вилояти партия Кенгашининг якунланаётган 2012 йилги фаолияти ҳам танқидий-таҳлилий муҳокама этилиб, йўл қўйилаётган камчиликларни келаётган 2013 йилда бартараф этиш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири



# Турмуш ободлиги — ҳаёт фаровонлиги

Давоми. Боши 1-бетда

Алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги бутун дунёда молиявий инқироз давом этаётган, кўпчилик давлатларда иқтисодий етишмовчиликлар пайдо бўлган ва бу етишмовчиликлар давлат бюджетининг ижтимоий соҳага ажратилган маблағлар эвазига қопланаётган бир пайтда Ўзбекистонимизда ижтимоий соҳага давлат бюджетининг деярли 60 фоизи ажратилаётгани ҳам юртимизда оилаларда турмуш шароитини яхшилашга ва халқимиз саломатлигини асрабавайлашга катта эътибор кўрсатилаётганидан далолат беради.

Жумладан, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасига давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агарда 2011 йилда ушбу соҳага 2,2 триллион сўм, 2012 йилда 2,8 триллион сўм ажратилган бўлса, 2013 йилда давлат бюджетидан 3,2 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Бундай амалий чора-тадбирларнинг натижасида кейинги 10 йилликда юртимизда оналар ва болалар ўлими 3 марта камайди. Полиомиелит, дифтерия, болалар қоқшоли каби хасталикларга бутунлай барҳам берилди. Аҳамиятлиси шундаки, одамларнинг ўртча умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшгача, жумладан, аёлларнинг ўртча умр кўриши 75 ёшга етди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалда ўз самарасини бераётир. 2012 йил 26 апрелда "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилингани оилавий бизнеснинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ва ривожлантиришда муҳим қадам бўлди. Зотан, ушбу қонуннинг асосий мақсади оилавий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, пировардида ҳар бир оиланинг ҳаёти, турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Қайд этиш жоизки, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурини амалга ошириш учун 2012 йилда молиялашнинг барча маблағлари ҳисобидан қарийб 4 триллион 400 миллиард сўм ва 370 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Бир сўз билан айтганда, туб моҳияти мамлакатимиз фаровонлиги, обод турмушни таъминлашга, ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар жамиятимиз ҳаётида ғоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**М.ХЎЖАМБЕРДИЕВ,**
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси

# Илғор технологиялар асосида

Жиззах шаҳрида фаолият юритаётган "MIR-ULUG`BEK-MX" МЧЖ истиқлолнинг илк йилларида барпо бўлган корхоналар сирасига киради. Пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхона эндиликда ўз фаолиятини кенгайтириб пайпоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун бир миллиард 150 миллион сўм маблағ сарфланди.

Корхонада йилига икки ярим миллион жуфт эркаклар, аёллар ва болалар пайпоқлари ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Эътиборлиси, ушбу маҳсулот сифати ҳамда арзонлиги билан ўз харидорларини топмоқда. Арзон ва сифатли маҳсулотга эса бозорда ҳамиша харидор топилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ерда барча маҳсулотларга турли ранглар бериш имконияти мавжуд. Жамоа аъзолари келажак учун улкан режалар тузган. Жумладан, ташкилот, корхона буюртмаси асосида турли тимсоллар тасвири туширилган пайпоқлар ишлаб чиқариш механизми яратилган. Бу ерда барча буюртмаларни ўз вақтида ва сифатли тайёрлаб бериш имкониятлари пайдо бўлди.

— Ишлаб чиқариш жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилган, бу эса маҳсулот таннархини арзонлаштиради, — дейди корхона раҳбари Мирзаали Оқилов. — Бизнинг асосий ҳамкоримиз Хитойнинг "Huoerguos BORUITONG import and Export Trade CO.LTD" компаниясидир. Ҳамкорларимиз тақдим этган ушбу дастгоҳларда заминимизда етиштирилган пахта хомашёсидан тайёрланган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Хориждан келтирилган янги дастгоҳлар 60 нафарга яқин ишчи мутахассислар томонидан бошқарилмоқда. Уларнинг асосий қисми жорий йилда касб-ҳунар коллежларини битирган йигит-қизлардир.

— Бундай замонавий дастгоҳларда ўз меҳнат фаолиятимни бошлайман деб ҳеч ҳам ўйламагандим, — дейди жамоа аъзоси Дилфуза Қурбонова. — Замонавий технологиялар ёрдамида тайёрланган замонавий ускуналарда ишлаш биз ёшларга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Бугун юртимизда тадбиркорлар ва ишбилармонларга яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган имкониятлар натижасида Жиззах воҳасида ҳам рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар сони кўпаймоқда. Биргина Жиззах шаҳрининг ўзида ўтган давр мобайнида 50 га яқин ишлаб чиқариш корхоналари ўз фаолиятини йўлга қўйди. Бунинг натижасида 600 дан зиёд янги иш ўринлари яратилдики, бу маҳаллий аҳолини ижтимоий ҳимоясини таъминлашда қўл келмоқда.

**Суратда:** тўқувчи Дилфуза Қурбонова.



**Муқимбой ИСМОИЛОВ**

## «TURKISTON IXTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига «TEXNOLOG-TEXPLAST» шўъба корхонасига қарашли, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 284-уй манзилида сақланаётган, бошланғич нархи 6 915 000 сўм бўлган, 1999 йилда и/ч, д/р 01/537 АСА бўлган Нексия русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда, 2013 йил 31 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспортлар билан сотувчи ташкилот вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманома (ариза)ларни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

2013 йил 31 январь куни ўтказилган аукцион савдосида сотилмай қолган автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари 2013 йил 7,14 февраль кунлари қайта ўтказилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ТИАСнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р-20208000804941652002, МФО 00425, СТИР 302128906.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел: 144-66-55, 233-33-37.**

Реклама

**«TURKISTON IXTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ** томонидан 2012 йил декабрь ойида «Avto Max Group» МЧЖга қарашли бошланғич нархи 18 400 000 сўм бўлган «Нексия Донс 150» русумли автотранспорти 23 400 000 сўмга, бошланғич нархи 13 300 000 сўм бўлган «Матиз» русумли автотранспорти 17 300 000 сўмга, Юнусобод тумани тадбиркорлик субъектларини руйхатдан ўтказиш инспекциясига қарашли бошланғич нархи 10 096 200 сўм бўлган «Матиз» русумли автотранспорти 11 900 000 сўмга, «Технолог Техпласт» шўъба корхонасига тегишли бошланғич нархи 5 420 000 сўм бўлган «Дамас» русумли автотранспорти 6 800 000 сўмга сотилганини маълум қилади.

# “Ватан!” десин ҳар бир юрак

**Таҳририят меҳмони**

Бугунги меҳмонимиз Ватан, севги-муҳаббат, замондошлар мавзуларидаги асарлари билан аллақачон шеърият мухлислари қалбидан жой олган истеъдодли шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими **Бобур Бобомурод**. Шоир билан унинг серқирра ижоди, ҳаёт ва бахт фалсафаси, қолаверса, яқинлашиб келаётган янги йил байрами хусусида суҳбат қурдик.



**— Янги йил байрамини, айниқса, болажонлар интиқлик билан кутишади. Бу байрам мўъжиза ва сеҳрга бойдек туюлади уларга гўё. Болалигингиздаги байрамлар ёдингизда қолганми?**

— Оилада тўнғич фарзанд, бобо-бувимларнинг эркаси эдим. Эркалигим шунда ифодаланардики, бувимлар чўпчакни энг кўп менга айтиб берганлар. Шу эртаклар таъсирида китоблар мутолаа қилишга қизиққанман. Китоб ўқиш жараёнида ундаги қаҳрамонларнинг ҳаётда мавжудлигига буткул ишонардим. Улар билан ғойибона дардлашардим, суҳбат қурардим. Табиатан уятчан, камгап, вазмин бола бўлганман. Бироқ китобдаги “дўстлар”им билан қалбан суҳбатлашганимда, тилларим бурро, жуда ҳам фаол болакайга айланар эдим.

Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб юрган пайтлар бир йили қорбобонинг кийимини ижарага олиб турдим ва қон-қариндошларникига айланиб чиқдим. Бири дарҳол таниб, бошқаси сал кейинроқ пайқаганди. Бир пайт тоғамларникига бориб, эшик тақиллатганимни биламан, қорбобо ниқоби остида юрган ўғрилар ҳақида кўп ваҳимали гаплардан хабардор бўлган янгам гапларимга ҳам қулоқ солмасдан мени ҳайдашга тушиб кетгандилар. Жиянларимдан бири овозимдан таниб қолиб онасини тинчлантирди.

**— Якунланаётган 2012 йилда нималарга эришдингиз, қайси ниятингиз эса амалга ошмади?**

— Янгидан янги шеърлар ёзиш баробарида сўнгги 3-4 йил ичида ёзиб қўйган барча шеърларимни йиғиб, саралаб жамланма чоп этиш учун тайёрлаб қўйдим. Эстрадамизда ўз ўрнига эга бўлиб келаётган “Фарҳод ва Ширин” гуруҳига устозлик қилдим. Бундан ташқари, жамоатчилик ишлари билан банд бўлдик. “Келажак овози”, “Янги авлод” лойиҳалари асосида ўтказилган учрашув, тадбирларда иштирок этиб, ҳар соҳада маҳорат ва салоҳиятга эга ёшлар билан самимий суҳбатлар қурдик. Бугунги ёшлар аввалгилардан бошқача. Уларнинг дунёқараши, қизиқиши, турмуш тарзи менинг ҳавасимни уйғотади. Қайси соҳа ёки тармоққа қараманг, интилувчан ва ўз нуқтаи назарига эга ёшларни кўриб кўзинг қувнайди. Мамлакат келажаги ёшларнинг қўлида.

**— Шу сабабли “Адолат” социал-демократик партияси ҳам ёшларнинг билим савиясини ошириш мақсадида давлат олий таълим тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тарафдори. Шу билан бирга, инновацион фикрлайдиган ёшларни излаб, уларнинг бунёдкор ғоя-лойиҳаларини амалиётга татбиқ эттиришга ҳисса қўшиш партиянинг устувор мақсадидан ҳисобланади.**

— Фикрингизга қўшиламан. “Адолат” социал-демократик партиясининг кўплаб тадбирларида иштирок этганимда, партия ҳаммани, айниқса, ёшларни янгича фикрлашга чорлашининг гувоҳи бўлганман.

Инсон борки, ҳаётида доимо олдинга силжишга, янгича мушоҳада юритишга ҳаракат қилади. Ёшларимиз ўқиб-изланиб, янгидан-янги кашфиётларда ҳисса қўшсалар, буни нимаси ёмон? Асосийси, уларнинг замон талаби асосида таълим олиши, меҳнат фаолиятида яхши ишлаши учун барча шароитлар мавжуд. Биз ўқиган пайтларимиз интернет у ёқда турсин, мактаб хоналаридаги эски русумдаги компьютерларни фақатгина томоша қила олардик, холос.

Айниқса, интернет ёшларимизнинг ҳаётига жуда чуқур кириб борган воситалардан биридир. Унинг яхши тарафлари билан бир пайтда салбий жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Истардимки, ўсиб келаётган ёшларимиз қимматли вақтларини фақатгина интернетда дўстлари билан суҳбатлашиш ёки кераксиз сурат ёки видеотасвирларни томоша қилиш учун эмас, ундаги электрон бадиий китоблардан фойдаланишса, илмий изланишларида асосли манбаларни келтиришда расмий вебсаҳифаларга мурожаат қилишса, нур устига нур бўларди.

**— Ижодингизда севги-муҳаббат, садоқат мавзуси билан бирга хотин-қизлар мавзусига ҳам кўп бора тўхталасиз. Бунинг сабаби нимада?**

— Ижодкор учун энг муҳими — эрк ва муҳаббат, деб ҳисоблайман. Муҳаббат деганда тор маънодаги эмас, кенг маънодаги севгини назарда тутаяпман. Фурсатдан фойдаланиб, рафиқам, фарзандларимнинг онасига миннатдорчилик билдираман. Сабаби, аксарият ҳолларда мени оила, турмуш ташвишлари билан ўралашиб, ижод қилмай қолишимдан хавфсираб, алоҳида ижодхонамда ишлашим учун шароит яратган.

**— Мамлакатимизда истеъдодли адиб, шоирлар оз эмас. Бироқ айнан сизнинг шеърларингизни деярли барча таниқли қўшиқчиларимиз дастурида учратишимиз мумкин. Шу пайтга қадар кўплаб хонандалар билан ҳамкорлик қилган бўлсангиз керак?**

— Мингдан ортиқ шеърларимдан юзга яқин хонандалар фойдаланишган. Ижодим элимизга манзур бўлганидан хурсандман. Аммо ҳаётда омаднинг аҳамиятига ҳам ишонаман. Омадим бор экан, туғилиб ўсган шаҳрим Бухородан пойтахти азимга келганимда ҳали у оилавий ётоқхонада, ҳали бошқа хонадонда ижарада яшаганмиз. Дастлаб банк соҳасида ишлаган бўлсам, бориб-бориб эркин ижодкор сифатида фаолият юрита бошладим.

**— Сиз учун бахт нима?**

— Бу ҳақда ҳар кимнинг нуқтаи назари ҳар-хил. Лекин мен учун бахт — кимгадир кераклигингни ҳис қилиш, яқин одамларингнинг саломатлиги ва доимо ниманидир ўрганишга бўлган интилиш деб ҳисоблайман.

**— Суҳбатимиз сўнгида газетхонларимизга янги шеърларингиздан бирини тақдим этсангиз.**

— Марҳамат:

*Инсонга юрт қандай азиз,*
*Тинч, мунаввар тонгдай азиз,*
*Дилдай азиз, жондай азиз —*
*“Ватан!” десин ҳар бир юрак,*
*“Ватан!” деган диллар керак.*

*Умрнинг ҳар он, дамида,*
*Ҳаётнинг мўл ё камида,*
*Юрт ишқида, эл ғамида —*
*“Ватан!” десин ҳар бир юрак,*
*“Ватан!” деган қалблар керак.*

*Элнинг иши кордир бизга,*
*Элдан чиқмоқ ордир бизга,*
*Эл олқиши ёрдир бизга —*
*“Ватан!” десин ҳар бир юрак,*
*“Ватан!” деган мардлар керак.*

*Қуёшидай меҳри баланд,*
*Муҳаббати жонга пайванд.*
*Бўлолсак бас лойиқ фарзанд —*
*“Ватан!” десин ҳар бир юрак,*
*“Ватан!” деган жонлар керак.*

**Саодат СОДИҚОВА**
**суҳбатлашди**

## Тиббиёт муассасаларига 300 миллиард сўм

2013 йилда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида 143 та объектни қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Уларнинг 42 таси янгидан барпо этилади, 101 та объектда эса реконструкция ишлари олиб борилади.

Ушбу мақсадларга 300,3 миллиард сўм йўналтирилади, шундан қурилишга — 43,9, реконструкцияга — 256,4 миллиард сўм сарфланади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тарқатган хабарга кўра, 2009 йил учун мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида соғлиқни сақлаш соҳаси учун 9,3, 2010 йилда — 79,1, 2011 йилда — 136, 2012 йилда — 256, миллиард сўм ажратилган.

Хусусан, Республика ихтисослашган жарроҳлик марказининг Кардиохирургия мажмуаси, Сурхондарё вилоятида кўп тармоқли тиббиёт маркази, Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида кўп тармоқли марказий поликлиника ва туғруқ мажмуаси, Сирдарё вилоятининг Сайхунобод тумани тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли марказий поликлиникаси, Андижон вилоятининг Олтинкўл тумани тиббиёт бирлашмасининг туғруқ мажмуаси фойдаланишга топширилган.










## 2012 йил — мустаҳкам оила йили



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги “Бободеҳқон” маҳалласида истиқомат қилувчи Сиддиқ ота Ғойипов Маъсуда ая билан турмуш қурганига 45 йилдан ошди. Улар ҳаётнинг пасту-баланд сўқмоқларида бир-бирига суянч бўлишди, беш қиз, бир ўғилни вояга етказиб, ўқитишди, уй-жойли қилишди. Ҳозир бу пири бадавлат қариялар 16 неваранинг яхши кунларига бош-қош.

Сиддиқ ота 40 йилдан ортиқ қурилиш соҳасида ҳалол меҳнат қилди. Ҳозир нафақада. Шунга қармасдан, бир зум тин олгани йўқ. Ҳовлисидаги кичик иссиқхонада лимон етиштириш билан машғул.

– Умрим меҳнат билан ўтди, – дейди отахон. – Нафақага чиққач, бироз зерикиб қолдим. Бекорчидан худо безор, деб бекорга айтишмаган экан. Шу сабабли ўзимга овунчоқ бўлсин деб, иссиқхонани барпо қилдим.

Дарҳақиқат, меҳнат – инсон умрининг зийнати. Бу зийнат ила умрни безаш эса кишини бахтиёрликка етаклайди. Бунга шубҳа йўқ.

**Суратда:** *Сиддиқ ота ва Маъсуда ая фарзандлари ва неваралари даврасида.*

*Газетанинг навбатдаги сони 2013 йил 11 январда чиқади.*

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета

**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:** Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

**Бўлимлар:** Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — *288-46-54*;
Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — *288-46-64 (142)*;
Қабулхона — *288-42-23*; *288-46-64* (факс);
Котибият — *288-42-06 (148).*

**Навбатчи муҳаррир** — Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ.
**Навбатчи** — Ғулом ХИДИРОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*

**adolat_gazeta@mail.ru**

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.*

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

ISSN 2091-5217

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 1200. Ҳажми — 6 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 5845.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 23.30
1 2 4 5







## Қишлоқ мулкдорлари

Бухоро туманидаги «Раҳим Шерхон» фермер хўжалиги фаолияти киши эътиборини ўзига тортади.

Фермерлик ҳаракатига биринчилардан бўлиб қўшилган Шермат Раҳимов ёш бўлишига қарамай, ишнинг кўзини биладиган мулкдорлардан бири. Бугун уни илғор фермер сифатида нафақат туманда, балки вилоятда ҳам кўпчилик яхши билади. 119 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган миришкорлар ўтган йиллар давомида қўлга киритилган даромадлар ҳисобидан хўжалик моддий-техник базасини мустаҳкамлаб олган. Барча зарур техника ва механизмлар мавжудлиги эса ишлаб чиқаришнинг мунтазам ўсиб боришини таъминлаяпти.

Хўжалик аслида ғаллачилик ва пахтачиликка ихтисослашган. Аммо тиниб-тинчимас фермер янги-янги тармоқлар фаолиятини йўлга қўйиб, даромадини ошириш, ҳамқишлоқларини иш билан таъминлаш каби ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ҳам улуш қўшиб келаётир.

Масалан, жорий йил бошида чорвачилик, паррандачилик ва асаларичиликка асос солинди. Айни пайтда фермер ихтиёрида минг бош Ломанн Браун зотли товуқ, 70 оила асалари ва 20 бош наслли қорамол парвариш қилинаяпти.

— Жорий йилда деярли юз миллион сўмлик даромад кўрдик, — дейди фермер. — Истиқбол режаларимиз эса катта. Яқин келажакда ўзимиз етиштирган маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўйсак, яна бир неча янги иш ўринлари яратилади.

Ҳа, фермернинг орзу-ниятлари бисёр. Жумладан, интенсив боғ барпо этиш ҳамда балиқчиликни йўлга қўйиш ниятида. Олинган даромадлар эвазига эса ўзи истиқомат қилаётган «Кунжи қалъа» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуди инфратузулмасини замонавийлаштиришни мўлжаллаб турибди.

**Ҳамро АҚИЕВ**




Pharmed sanoat
ХУСУСИЙ
КОРХОНАСИ
ЖАМОАСИ
аҳил ва иноқ кўпмиллатли
мустақил юртимиз фуқароларини
Янги йил байрами
билан табриклайди.
Янги – 2013 йил барчангизга
чексиз қувонч олиб келсин.
Қалбингиз тўридаги барча эзгу ниятларга
етишингизда сизларга ҳамиша омад ёр бўлсин.
“Обод турмуш йили” мустақил юртимизнинг бундан-да
тараққий этиб, юксалишида ўчмас из қолдирсин.
Янги йилда
ризқингиз бутун,
дастурхонингиз ҳамиша
тўкин бўлсин!
2013

# БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ

## жамоаси



азиз юртдошларимизни

**кириб келаётган Янги — 2013 йил**

билан чин дилдан муборакбод этади.

“Обод турмуш йили”да
ҳаммаларингизга узоқ умр,
бахт-саодат, хонадонларингизга
тинчлик-хотиржамлик,
файз-барака тилайди.



«Adolat» № 53-54 (912), 2012-yil, 28-dekabr, juma

# Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи

## жамоаси

Сиз азиз юртдошларимизни
кириб келаётган
Янги — 2013 йил билан
чин қалбдан табриклайди.

Янги йил ҳар биримизнинг
хонадонимизга тинчлик-хотиржамлик,
файз-барака ва оилавий бахт олиб келсин.

Йил сайин
гуллаб-яшнаб бораётган
озод ва обод юртимизга
ҳеч қачон кўз тегмасин.




